


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ



қўлёзма ҳуқуқида

УДК _____

«КЎЧМАС МУЛК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ» кафедраси

**5А 340901 - «Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш» мутахассислиги
магистранти**

Абдурахмонов Бехзод Шукуржонович

**НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН КЎЧМАС
МУЛК ОБЪЕКТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ**

МАВЗУСИДАГИ ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ

Илмий рахбар _____

И.ф.н.доц. Турдиев А.С.

«_____» _____ **2016 й.**

ТОШКЕНТ 2016

Токент архитектура-қурилиш институти
“Қурилишни бошқариш” факультети
“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси
21 -сонли мажлис баённомаси

Тошкент ш.

“31” _____ 2016 й.

Қатнашдилар:

Қатнашмади:

проф. Зияев М.К.
проф. Джабриев А.Н.
доц. Ёдгоров В.У.
доц. Финаева Т.М.
доц. Турдиев А.С.
доц. Ахрарова Д.А.
кат.ўқ. Носирова Л.А.
кат.ўқ. Муhibaва Г.Я.
кат.ўқ. Шокирова С.
доц. Саидов М.С.

кат.ўқ. Игитов Ж.Қ.
кат.ўқ. Ражабов Ш.Ш.
кат.ўқ. Файзиева Г.А.
кат.ўқ. Юсупджонова Н.У.
кат.ўқ. Тошмухамедова К.С.
асс. Абдувалиев З.М.
асс. Шарипов И.У.
асс. Мэтякубов А.Ж.
асс. Ибрагимов С.О.
асс. Каримов И.О.

КУН ТАРТИБИ:

3.Иккинчи курс магистрларнинг магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимояси.

3-масала буйича.

1.Магистрант Б.Ш. Абдурахмоновнинг “Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш” мавзусидаги диссертацияси муҳокамаси.

Эшитилди. Абдурахмонов Б.Ш. тайёрлаган диссертация ишининг мазмун моҳияти, олиб борилган тадқиқот ишлари, эришилган натижалар, илмий янгилик ва унинг амалий аҳамияти ҳақида гапириб берди.У диссертациянинг ишининг тайёрланган ҳолати яқунлаш учун қилинадиган ишлар ва ҳимояга тақдим этиш муддати тўғрисида маълумот берилди.

Диссертация иши дастлабки ҳимояга қадар доц.Турдиев А.С. ва Ёдгоров В.У.лар томонидан ўрганилиб чиқилганлиги маълум қилинди.

А.С Турдиев: Ишнинг тула яқунланганлиги ва магистрлик диссертацияси талабларига жавоб беришини таъкидлади.

В.У. Ёдгоров: Диссертация иши бўйича иккита мақола чоп этилгани ва ишнинг тўлиқ яқунланганлиги тўғрисида гапирди.

Қарор Қилинди: Магистрлик диссертацияси яқунланган деб ҳисоблансин.

Муҳокамада келтирилган камчиликларни бартараф этиб Давлат аттестацияси комиссиясида ҳимояга руҳсат берилсин.

Кафедра мудири

Котиб

доц.А.С.Турдиев

И.О.Каримов

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“Қурилишни бошқариш” факультети

“Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни

бошқариш” кафедраси

20___/___ ўқув йили

Магистрант: Абдурахмонов Б.Ш.

Илмий раҳбар: И.ф.н. доц. Турдиев А.С..

**Мавзу: Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк
объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш**

А Н Н О Т А Ц И Я

Мавзунинг долзарблиги. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш, уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини кам ресурс сарфловчи энергиятежамкор технологияларни қўллашга қаратилган изланишлар олиб бориш кўзда тутилган ушбу тадиқот иши мавзуси ўта долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўчмас мулкни баҳолаш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш муаммолари билан бир қатор олимларнинг ишларида, жумладан, Асаул А.Н., Федотова М.А., Рослов В.Ю., Щербакова О.Н., Мышанов А.И., Лапченко Д.А., Василенко С.С., Прорвич В.А., Симионова Н.Е., Щетинин Я.В., Соловьев М.М., Буланова Н. В., Тэпман Л.Н, Железный В.Б., Каминский А. В., Страхов Ю.И., Трейгер Е.М., Калачева С.А., Грибовский С.В., Фридман Джек, Ордуэй Николас, Ким Е.П., Иванова Е.Н., Туйчиев Н.Ж., Алимов Р.Ҳ., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Ҳодиевлар Б.Ю., Акрамов М.И., Мираҳмедов М.М., Ёдгоров В.У., Мирҳошимов А.М., Плахти К.А., Усмонов А.С., Хотамов А.Т. ва бошқалар томонидан тадиқ қилинган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларидан

фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагилар диссертациянинг вазифалари сифатида белгиланди:

- Қишлоқ жойлари ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ва уни ўрганиш йўлларини тадқиқ этиш;
- Намунавий лойиҳалар асосида кўчмас мулк объектлари қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганишнинг методологик асослари билан танишиш;
- республикамиз қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларини таҳлил қилиш;
- республикаси қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ҳолатини таҳлил қилиш
- намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектлар лойиҳа – сметасида ресурслар сарфини таҳлил қилиш;
- намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш йўлларини кўрсатиб бериш;
- қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Республикамизнинг Жиззах вилоятида намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилаётган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари.

Тадқиқот предмети. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектларнинг қийматини шакллантиришда ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Диссертация ишининг методологик асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қарорлари, фармонлари, ва

асарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат мулк қўмитаси томонидан жорий этилган меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мулкни Баҳолаш миллий стандарлари, коммунал хизматлар нарҳини шакллантириш меъёрлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари. Шунингдек, қурилишда баҳони шакллантириш ва кўчмас мулкдан фойдаланишга оид чоп этилган иқтисодий адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий гипотезаси: Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўчмас мулк объектларининг смета қийматини оптимал шакллантириш, унда энергиятежамкор замонавий қурилиш материаллари ва ресурсларни қўллаш орқали кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этишга эришилади.

Ҳимояга олиб чиқилган ҳолатлар. Магистрлик диссертациясида олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилма объектлари лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ экспертизадан ўтказиб замонавий энергиятежамкор технологияларни қўллаш;

- қурилиши тугалланган кўчмас мулк объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларда энергиятежамкор муҳандислик ускуналари ва технологиялари жорий этилганлигини кўрикдан ўтказиш;

- тураржой бинолари ва инфратузилма объектларини ишга туширилишининг биринчи кунидан бошлаб марказлашган тартибда фойдаланишни ташкил этиш механизмини ишга тушириш орқали энергиятежамкорликка эришиш ва кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мумкин бўлади;

Диссертация таркиби: титул варағи, аннотация (икки тилда), мундарижа, кириш, асосий қисм: 1-3 боблар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Илмий раҳбар:



и.ф.н., доц. Турдиев А.С.

Магистрант:



Абдурахмонов Б.Ш.

TASHKENT INSTITUTE OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

Faculty of “Construction management”

Master’s: Abdurahmonov B.Sh.

Department of “ Management of
economics and property”

Scientific supervisor: cand. of econ.
sciences, docent Turdiev A.S.

Years of education: 20__/20__

**Theme: To organize effective usage of pilot projects in the establishment of
real estate**

AN N O T A T I O N

Relevance of research. Standard design, effective use of the objects of real estate under construction, the project estimates the minimum resource consumption energy saving planned to carry out research focused on the application of technologies of relevance to the subject of this investigation.

The level of investigation of the issue. Real estate appraisal and more effective use of a number of problems with the organization of the work of scientists, for instance, Asaul A.N., Fedotova M.F., Roslov V.Yu, Sherbakova O.N., Mishanov A.I., Lapchenko D.A., Vasilenko S.S., Prorvich V.A., Simionova N.E., Shetinin Ya.V., Solovyev M.M., Bulanova N.V., Tepman L.N., Jelezniy V.B., Kaminskiy A.V., Straxov Yu.I., Treyger E.M., Kalacheva S.A., Gribovskiy S.V., Fridman Jack, Ordue Nicolas, Kim E.P., Ivanova E.N., Tuychiev N.J., Alimov R.H., Berkinov B.B., Kravchenko A.N., Hodiev B.Yu., Akramov M.I., Mirahmedov M.M., Yodgorov V.U., Mirhoshimov A.M., Plakhti K.A., Usmonov A.S., Khotamov A.T. and other scholars.

The aim of research. Pilot projects on construction of housing and social infrastructure based on the effective use of scientific advice and recommendations.

Tasks of research. Pursuant to the main aim of the research the followings are set as the tasks of the thesis:

-Rural areas of socio-economic infrastructure and ways of learning;

- The standard real estate projects on the basis of the study of the effectiveness of the cost of construction of facilities to meet the methodological principles;
- Of the rural areas on model projects in real estate analysis;
- Provision of housing in rural areas of the Republic of the status of infrastructure and socio-economic analysis
- Standard design, construction project -smetasida analysis of the consumption of resources;
- On model projects demonstrate the effective use of real estate;
- Real estate, construction of model projects in rural areas to establish effective ways to use the suggestions and recommendations.

Object of the research. Jizzakh region on the basis of model projects housing and social facilities.

Subject of the research. The value of the standard design, construction objects and use them in the formation of the organization arising from economic relations.

Methodological and theoretical basics of the research are works and decrees of the President of the Republic of Uzbekistan I.A.Karimov, Laws of the Republic of Uzbekistan, rulings of Cabinet Ministers, Committee of State property, national standards of Property assessment of the Republic of Uzbekistan, scientific works of national and foreign scientists, and economic literatures about assessment activity.

The hypothesis of research: the standard design the construction of real estate facilities for the estimated value of the optimal formulation, which energiyatejamkor objects of real estate through the use of modern building materials and resources developed practical recommendations on the organization of effective use.

The aspects being discussed in the defence of the thesis. On the basis of research results of the master's thesis work, planning the construction of residential buildings and objects of social infrastructure in order to effectively perform the following is recommended:

- Standard design, the construction of housing and social infrastructure facilities project documentation for a full examination of modern technology energy saving;
- Completed the construction of real estate in the process of accepting them energy saving engineering and inspection of equipment and technology introduction;
- Buildings and infrastructure centrally on the first day of the launch to start the use of the mechanism to achieve energy saving and you will be able to establish effective use of real property;

Structure and size of research. The master's thesis consists of the parts: the title page, annotation (in two languages), table of contents, the main parts: Chapters 1-3, conclusion, references and appendices.

Scientific supervisor:



**cand. of econ.sciences,
docent Turdiev A.S.**

Master's:



Abdurahmonov B.Sh.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I- БОБ. ҚУРИЛАЁТГАН КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЎРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ.....	11
1.1. Қишлоқ жойлари намунавий лойиҳалар асосида қурилишни ривожлантиришнинг аҳоли ҳаёт даражасини яхшилашдаги роли.....	11
1.2. Қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ўрганишнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ўрганишга тизимли ёндашиш.....	16
1.3. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш йўллари.....	31
II- БОБ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	38
2.1. Жиззах вилоятида қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилма таҳлили.....	39
2.2. Қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиши таҳлили.....	51
2.3. Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили.....	60
III- БОБ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	72
3.1. Қишлоқ жойларда кўчмас мулк объектлари қурилишини комплекс ривожлантириш йўллари.....	72
3.2. Намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	80
Хулоса	84
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Статистик маълумотларга кўра Республикамизда 2016 йил 1 январь ҳолатига Республикамиз аҳолиси сони 31 575 кишини ташкил этиб, шундан 15,8 млн. нафари ёки умумий аҳолининг 48,4 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолисининг ўртача 30-50 фоизи (асосан янги оилалар)нинг турар жойларига муҳтожлигини, қишлоқ жойларида фойдаланилаётган уй-жойларнинг капиталлик даражаси пастлиги ва маҳаллий қурилиш материалларидан қурилиб уларни қисқа муддат хизмат қилишини инобатга олганда Президентимиз И.А.Каримов томонларидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини қабул қилиниши ва "Намунавий лойиҳалар" асосида уй-жойлар қурилишини ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар қурилишнинг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини Президентимизнинг "қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак"¹ деган ибораларидан англаб етиш мумкин.

Ҳозирда қишлоқ жойларида замонавий ва қулай уй-жойлар қурилиши билан бирга болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, турли маиший хизмат кўрсатувчи ижтимоий объектлар қурилмоқда.

Республикамизда аҳоли фаровонлигини кўзлаб уларни уй-жойлар билан таъминлаш борасида Республикамиз ҳукумати томонидан барча чоралар кўрилмоқда. Шулар жумласига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан

¹- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат Дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги ПҚ-1046-сон қарори "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 5-сон, 33-модда.

таъминлаш мақсадида Осиё тараққиёт банки, Корея, Япония банклари ва бошқа молиявий институтлардан кредит ресурслари жалб этилиши ва қишлоқ аҳолисига уй-жой хариди учун 7 % ли имтиёзли кредитлар берилишини келтириш мумкин.

Президентимиз И.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларида 2016 йилда қишлоқ жойларда 1 миллион 800 минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 900 километр ичимлик суви, газ ва электр тармоқлари, 325 километр йўл қуриш мўлжалланмоқда² деб эътироф этилган.

Маълумки 2009 йилдан буён республикаимизнинг 700 дан ортиқ қишлоқлари ва янги лойҳа қилинган массивларида 58 мингдан ортиқ умумий майдони 8,120 млн. квадрат метр уй-жойлар, майдони 1, 219 млн. квадрат метр бўлган ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шу кунга қадар уй-жойлар қурилишини жадаллаштириш масалалари мамлакат ҳукумати диққат марказида турган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектларини лойиҳалашда асосий эътибор уй-жойлар таннархини камайтиришга қаратилгани ва қурилиш лойиҳасида ананавий, катта миқдорда ресурслар истемол қилувчи технологиялар ва ускуналар қўлланилганлиги ушбу кўчмас мулк объектларнинг ресурстежамкор даражаси пастлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли мазкур кўчмас мулк объектларида замонавий, энергиятежамкор технологияларни қўллаган ҳолда уларга кам ресурс ва энергия сарфлаган ҳолда самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари бугунги кунда муҳим масала сифатида кун тартибига чиқмоқда.

²-Ислом Каримовнинг “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

Юқорида келтирилганларга асосланган ҳолда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш, уларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини кам ресурс сарфловчи энергиятежамкор технологияларни қўллашга қаратилган изланишлар олиб бориш кўзда тутилган ушбу тадиқот иши мавзуси **ўта долзарб ҳисобланади!**

Магистирликтик диссертацияси ўрганилганлик даражаси. Республикамизда мустақиллик йилларида кўчмас мулкни баҳолаш соҳасидаги илмий ва амалий изланишлар, кўчмас мулкни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини жорий этиш муаммолари ва баҳолаш тизимини ўрганиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўчмас мулкдан фойдаланиш соҳасида илмий ва амалий изланишлар олиб борилмоқда. Кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш ва уни баҳолаш мавзусида изланиш ва тадиқотларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

- хорижий мутахассислар ва иқтисодчи олимларнинг тадиқотлари;
- Ўзбекистонда олиб борилган илмий изланишлар.

Кўчмас мулкни баҳолаш ва ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш муаммолари билан бир қатор хорижлик олимларнинг ишларида, жумладан, Асаул А.Н., Федотова М.А., Щербакова О.Н., Мышанов А.И., Лапченко Д.А., Василенко С.С., Симионова Н.Е., Страхов Ю.И., Калачева С.А., Грибовский С., Ким Е.П., Иванова Е.Н., Львов Д.С., Медведева О.Е., Шевчук Д.А., Татарова А.В., Гриненко С.В., А.В. Карасев, Паламарчук А.С., Белокрыс А.М., Болдырев В.С., Олейник Т.Л., Зарубин В.Н., Нейман Е.И.ларнинг ишларида тадиққ этилган ва муҳим илмий-амалий хулосалар шакллантирилган. Шунингдек, ишда ўрганилган капитал қурилишда баҳони шакллантириш масалаларида МДХ олимларидан П.С.Степанов, М.А.Журавлева, В.Р.Доронин, Р.М.Коваленко, Кузьминский А.Г., Айдаева С.А., Дорожкин В.Р., А.И.Черняк, Л.К. Нефедова, В.Д.Ардзинов, В.Т.Александров, В.М.Василев, Ю.А.Панибратаев ва бошқа кўплаб олимларнинг нашр қилинган асарларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда мулкый муносабатлар, кўчмас мулк ва кўчмас мулкни баҳолашнинг илмий назарий масалаларини оидинлаштиришда ўз хиссаларини қўшган Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Ходиевлар Б.Ю.³, Туйчиев Н.Ж.⁴, Акрамов М.И., Мираҳмедов М.М., Ёдгоров В.У.⁵, Матмуродов Ф.М.⁶, Джабриев А.Н., Ганиев К.Б., Ганиева Г.Б. кабиларни келтириш мумкин. Ўзбекистонда қурилишда баҳони шакллантириш масалалари деярли ўрганилмаган. Бу мавзуда Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. ва Ҳайтов Э.Б. томонидан нашр этилган “Ценообразования в капитальном строительстве” китобини келтириш мумкин.

Тадқиқот мақсади– намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар тадқиқот ишининг **асосий вазифалари** этиб белгиланади:

- қишлоқ жойлари ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ва уни ўрганиш йўллари тадқиқ этиш;
- Намунавий лойиҳалар асосида кўчмас мулк объектлари қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганишнинг методологик асослари билан танишиш;
- республикамиз қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилатган кўчмас мулк объектларини таҳлил қилиш;
- республикаси қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ҳолатини таҳлил қилиш

³ Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., Ходиев Б.Ю./ УзР ФА Академиги Ғуломов С.С. таҳрири остида. Кўчмас мулкни баҳолаш. Тошкент: “Фан” 2005 й. 231б;

⁴ Туйчиев Н.Ж., Мирҳошимов А.М., Плахти К.А., Кўчмас мулкни баҳолаш асослари. Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2000 й., 156 б.; Туйчиев Н.Ж., Мирҳошимов А.М., Плахти К.А., Усмонов А.С., Хотамов А.Т. Кўчмас мулкни баҳолашда ҳисобларни бажариш қўлланмаси. Тошкент: «Адолат» нашриёти, 2000 й., 50 б.;

⁵ Асаул А.Н., Акрамов М.И., Мираҳмедов М.М., Ёдгоров В.У. Экономика недвижимости. –Т.: “Алишер Навоий МК”, 2011й.

⁶ Матмуродов Ф.М. Баҳолаш иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2012, 132б.

- намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектлар лойиҳа – сметасида ресурслар сарфини таҳлил қилиш;
- намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб бериш;
- қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Республикамизнинг Жиззах вилоятида намунавий лойиҳалар асосида амалга оширилаётган уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари.

Тадқиқот предмети. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектларнинг қийматини шакллантиришда ва улардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

Диссертация ишининг методологик асосларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қарорлари, фармонлари, ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Давлат мулк қўмитаси томонидан жорий этилган меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мулкни Баҳолаш миллий стандарлари, коммунал хизматлар нархини шакллантириш меъёрлари, ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ишлари. Шунингдек, қурилишда баҳони шакллантириш ва кўчмас мулкдан фойдаланишга оид чоп этилган иқтисодий адабиётлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг услублари. Илмий тадқиқот ишида илмий мушоҳода, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, график таҳлил, иқтисодий математик усуллар ва бошқа илмий усул ҳамда услубий қўлланмалардан фойдаланилади.

Диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти:

Диссертацияда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектлардан фойдаланишни самарали ташкил этиш йўллари чуқур ўрганишга бағишланади.

Диссертация якунида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган қўчмас мулк объектларининг смета қийматини оптимал шакллантириш, унда энергиятежамкор замонавий қурилиш материаллари ва ресурсларни қўллаш орқали қўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилади. Тавсиялар келажакда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган қурилиш объектлари смета қийматини ҳисоблаш жараёнида қўлланилади.

Илмий ишда олинган натижалардан намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган объектлар бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида ҳам фойдаланилади.

Диссертациянинг таркиби титул варағи, аннотация (икки тилда), мундарижа, кириш, асосий қисм: 1-3 боблар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

I- БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА ҚУРИЛАЁТГАН КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ

1.1. Қишлоқ жойлари намунавий лойиҳалар асосида қурилишни ривожлантиришнинг аҳоли ҳаёт даражасини яхшилашдаги роли

Республикамиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши Президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан 2009 йилда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат Дастурини қабул қилинишидан бошланди. Мазкур дастурни қабул қилишга бағишланган йиғилишда Президентимизнинг “Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади” деган ғояни кўтариб қабул қилинган “дастурнинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгиланиб, унинг ижроси қатъий назоратга олинди”⁷.

Шундан буён ўтган давр мобайнида мазкур дастур асосида республикамиз қишлоқ жойларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Дунё ҳамжамияти олдида намоён бўлаётган бундай ўзгаришларни ва мазкур дастурнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳмиятини йирик халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида этироф этилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 15,8 млн. нафари ёки 48,4 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5982 тасида (49,8 фоизи) аҳоли сони 100 дан 1000 кишигачани, 4527 тасида (38,3 фоизи) 1000

⁷Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

дан 3000 кишигачани, 1026 тасида (8,7 фоизи) 3000 дан 5000 кишигачани ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 фоизи) 5000 кишидан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Дунёда қишлоқ аҳолиси ва қишлоқ жойлари тушунчасига турлича ёндашилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғриси”даги Қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси етарли даражада ривожланган 965 та қишлоқлар (умумий аҳолиси 4.434,3 минг киши) шаҳар типидagi посёлкалари тоифасига киритилди.

Республикаимиз шароитида қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг қўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

Қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг аҳамияти катта. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш, замонавий йўллар ҳамда бошқа коммуникация тармоқлари қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ жойларида замонавий ва қулай уй-жойлар қурилиши билан бирга инсон онги ва маънавий салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилувчи болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, турли маиший хизматлар кўрсатувчи ижтимоий объектлар қурилиши, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча

шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш ишлари давом этмоқда.

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда яқин келажакда қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани комплекс ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали ҳалқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Замонавий қишлоқ Бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча ижтимоий инфратузилма объектларига ва муҳандислик коммуникация тармоқларига (электр, газ узатиш тармоқлари, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятни юксалтириш, яъний, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун қулаш шарт-шароитларга эга бўлиши лозим.

Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси – узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт, ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Республикаимизда қишлоқ аҳоли пунктлари аксарият ҳолларда ягона замонавий архитектура ва меъморий режаси мавжуд эмаслиги сабабли аксарият ҳолларда аҳоли турар жойлари, айниқса қишлоқлар ва овуллар тартибсиз ва тарқоқ ҳолда қурилган. Мазкур қишлоқ аҳоли пунктларининг Бош режа асосида қурилмаганлиги сабабли уларни замонавий ижтимоий, иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфраструктура объектлари ва муҳандислик

коммуникациялари билан табал даражасида таъминлаб бўлмайди ёки уларнинг қурилишига бир неча марта кўп маблағ талаб этилади.

Қишлоқларнинг умумий сони	⇒	11820 та
Бош режаси ишлаб чиқилмаган	⇒	7371 та ёки 62%
Бош режаси эскирган	⇒	3982 та ёки 34%
Бош режаси яроқли	⇒	467 та ёки 4%

1.1-расм. Республикамиз қишлоқ аҳоли пунктларининг Бош режа билан таъминланганлиги

1.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда республикамиздаги мавжуд жами 11820 та қишлоқлардан 7371 тасининг (62 фоизи) Бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 фоизи) Бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 фоизи) Бош режаси яроқли ҳисобланади. Демак, мавжуд қишлоқларимизнинг 96 фоизини замонавий архитектура талаблари даражасида Бош режа билан таъминлаш талаб этилади.

Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларини, ишлаб чиқариш потенциалини мукаммал ўрганиш натижаларига таянган илмий хулосаларга ва худуднинг истиқбол башоратларига асосланган ҳолда мукаммал шакллантирилган бош режада ижтимоий-иқтисодий инфраструктурани ягона тизим шаклида тўлиқ акс этади. Ижтимоий-иқтисодий инфраструктурага эга бўлган, Бош режа асосида қурилган қишлоқларгина аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини

ташкил этиш қоидалари» ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-сонли «Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1046-сонли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиш бўйича дастурига жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳалар амалга оширилган.

Қишлоқ жойларида қурилаётган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни комплекс лойиҳалаштириш тасаввур этиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган 1049-сонли «МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳалаш-қидирув институти ташкил этилди. Мазкур «Қишлоққурилишлойиҳа» институти:

- қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштириш тизимини шакллантириш, ривожлантиришнинг бош схема лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар-жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишларини топширилди.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти жамоаси томонидан ўтган қисқа вақт мобайнида 36 та уй-жой лойиҳалари, 24 та ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳалари ва республикамиз ҳудудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 20 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, амалиётга қўллаш учун тавсия этилди.

Мазкур лойиҳалар асосида 2009 йилдан қишлоқ туманларида ажратилган ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши давом эттирилмоқда.

Республикамиз ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларнинг индивидуал уй-жой таннархидан бир неча марта арзонлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас. Аммо, ўтган икки йилда қишлоқ ҳудудларидаги 257 та ер массивларида бунёд этилган уй-жойларнинг иқтисодий таҳлил қилиш, ҳудудларда уй-жойлар қурилиши харажатларини қиёслаш ва замонавий уй-жойларни атрофдаги ананавий ҳовли жойлари билан таққослаш ва улардаги тафовутни, аҳолига замонавий уй жойларни қулайлик томонларини янада очиқ бериш ҳозирги кунда ўз ечимини қутаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлар Бош режасини шакллантиришда қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларини ўрганишга, ижтимоий инфраструктурани шакллантиришга қўйиладиган талабларни асослашга ва ҳудудда мавжуд ишлаб чиқариш потенциални ўрганиш ва истиқболда мавжуд потенциални ўзлаштиришга йўналтирилган ҳулосаларни шакллантиришда турли ёндашишлар сақланиб қолмоқда. Диссертация ишида айнан шу саволларга жавоб топиш, яъни қишлоқ жойларида бунёд этиладиган замонавий тураржойларни қиёсий таҳлил қилиш услубини шакллантириш ва алоҳида олинган қишлоқ ҳудудда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани комплекс ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

1.2. Қишлоқ жойларида ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ўрганишнинг асосий кўрсаткичлари ва уларни ўрганишга тизимли ёндашиш

Инфраструктура (лотин тилидан олинган бўлиб, *infra* - турли, *structura* - тузилиш, таркиб маъносини беради) термини иқтисодий адабиётларда ўтган асрнинг 40 йилларида кенг қўлланила бошланган бўлиб, у асосан саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармоқлари мажмуасини акс эттирган. Мазкур инфраструктура таркибига йўллар, ирригация иншоотлари, кўприklar, бандаргоҳлар, транспорт-техника парклари, аэродром, энергетика хўжалиги, темир йўл транспорти, алоқа, сув таъминоти ва канализация, омборхона ва дастлабки қайта ишлаш корхоналари, шунингдек, ижтимоий хизматлар таркибига кирувчи умумий ва касбий таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизими муассасалари тушунилан.

Ижтимоий-иқтисодий инфратузилма тушунчаси ва унинг келиб чиқиш тарихини ўрганар эканмиз, инфраструктура тушунчаси капиталистик дунёда рўй бериб турадиган турли иқтисодий инкирозларга қарши олиб борилган кураш оқибатида пайдо бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи хизматлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган ҳудуда фаолият кўрсатиши лозим бўлган, ишлаб чиқариш самарадорлигига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатувчи хизматлардан ташкил топган бўлиб, уларга жамоат транспорти, умумий овқатланиш ва савдо, турли маиший хизмат кўрсатиш хизматлар кирган.

Ижтимоий мажмуа таркибига кирувчи хизматларнинг иккинчи гуруҳга бир қарашда ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан узвий боғлиқ эмасдек кўринсада, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини оширишда юқорида келтирилган гуруҳлар таркибига кирувчи хизматлардан кўпроқ аҳамиятга эга бўлган соф ижтимоий соҳа фан,

таълим, соғлиқни сақлаш ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ хизматлар киритилган. Ушбу гуруҳга кирувчи хизматлар инсон омили, меҳнат ресурслари сифатини оширишга хизмат қилади ва бу соҳага жаратилган маблағ узоқ вақт мобайнида ўз самарасини кўрсатмайди. Шу сабабли, ўтган асрда капиталистик дунёда аксарият ишлаб чиқариш корхоналари мазкур соҳагани ривожлантириш корхонага боғлиқ эмас, бу вазифа бевоста давлат зиммасида, корхона эса давлатга тўлаётган солиқлари ҳисобидан мазкур соҳа ривожига ўз ҳиссасини кўшади деб ҳисоблаганлар.

Аммо, 20-асрнинг 80 йилларига келиб фан ва техника тараққиётининг жадал ривожланиши натижасида дунё бозорида мураккаб технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар улуши кун сайин ортиб борди. 20 асрнинг ўрталарига келиб дунёда ишлаб чиқаришга муносабат ўзгариб, бирламчи аҳамият хомашё-ресурслардан, инсон омили-интеллектуал потенциалга қаратилди. Шу сабабли дунёда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришга, меҳнат ресурслари сифатини яхшилашга бўлган интилиш кучайиб бормоқда.

Аҳоли статистикаси маълумотларини ўрганар эканмиз, XVII асрдан XX асргача ўтган уч юз йил давомида ер юзида аҳоли сони 1 млрд.дан 2 млрд.га етганлиги қайд этилган бўлса, 1920 йилдан 2020 йилга қадар, сўнгги юз йил оралиғида ер шари аҳолиси сони 8 млрд.дан ошишини кўрсатмоқда. Ер юзида аҳоли сонининг кескин ошиб бораётганлигини инобатга оладиган бўлсак, дунёда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Президентимиз И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари, келиб чиқиш сабаблари, унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири, мазкур инқироз оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омилларни очиқ берди. Асарда Ўзбекистон учун

инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида энг муҳим устувор йўналишлари кўрсатилиб, унда қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди.

Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинди. Президентнинг 2009 йил 26 январдаги ПП-1046 сонли Қарорига мувофиқ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланиб унда Президентимиз томонидан қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминлашга қаратилган асосий йўналишлар сифатида:

- қишлоқда турмуш даражасини ошириш;
- қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойлардаги инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш;
- қишлоқ ҳаётининг савияси ва маданиятини янги поғонага кўтариш;
- қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшларни иш билан таъминлаш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини ошириш вазифалари белгиланди.

Мана уч йилдирки республикамизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури оғишмай амалга оширилиб, қишлоқ жойлари ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда.

қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой массивларини комплекс қуриш ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.

Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер

участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаш тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.

2009 йилдан буён республикамизнинг 700 дан ортиқ қишлоқлари ва янги лойҳа қилинган массивларида 58 мингдан ортиқ умумий майдони 8,120 млн. квадрат метр уй-жойлар, майдони 1, 219 млн. квадрат метр бўлган ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиб фойланишга топширилди.

Айни пайтда янгитдан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. Газ, сув тармоқлари, электр узатиш линиялари, шунингдек, ички йўллар қурилиши давом эттирилмоқда.

Ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария аҳволини яхшилаш бўйича янги коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш, модернизация ҳамда реконструкция қилиш ишлари тизимли асосда олиб борилмоқда.

Ижтимоий соҳа – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуидир. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, уй-жой фондлари, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ижтимоий инфратузилма – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуидан ташкил топади.

Бир сўз билан айтганда, қишлоқ жойларида аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган барча хизматлар ижтимоий инфратузими ташкил этиди.

Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишга, жойларда мавжуд ресурсларни ўзлаштиришга ва ишлаб чиқариш потенциалини ривожлантиришга йўналтирилган хизматлар ишлаб чиқариш инфратузумасини ташкил этади.

Қишлоқ жойларида ишлаб чиқариш инфратузумаси таркибига маҳаллий хомашё ресурсларини ўзлаштиришга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга, уларни модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантиришга, маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик қояларини амалга ошириш учун имкониятлар яратишга ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолини бандлигини таъминлашга йўналтирилган барча хизматлар мажмуаси киради.


Иқтисодий илмий адабиётларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктураси тушунчалари ўтрасида аниқ белгиланган чегара ёки уларни фарқловчи қоида ва тарифлар келтирилмаган. Бунга сабаб, ижтимоий инфраструктура таркибига кирувчи ҳар қандай хизматлар у ёки бу кўринишда ҳудудда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳудудда ижтимоий соҳанинг ривожланишига хизмат қилади.

Республикаимиз ҳудудларида табиий иқлим шароити, хомашё ва ресурслар таркиби, ишлаб чиқариш потенциалининг турлича табақаланиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ихтисослашуви, аҳолининг демографик ва этнографик ривожланиш кўрсаткичлари жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришга алоҳида ёндашишни талаб этади.

Қишлоқ жойларини ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳар бир тураржой манзилларида ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишни талаб этади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида республикамиздаги 11820 та қишлоқлардан 11353 тасининг (96 фоизи) Бош режасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу ишлари ҳозирги кунда жадал давом эттирилмоқда.

Шу сабабли қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришнинг Бош режаларини ишлаб чиқишда ҳар бир қишлоқ ҳудудида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантиришни ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ёндашиш лозим бўлади.



1.1-расм. Бош режанинг таркибий қисмлари

Аҳоли тураржой манзилининг бош режаси – яшаш ва фаолият муҳитини шакллантиришнинг комплекс шароитларини, аҳоли пунктлари

худудий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайдиган шаҳарсозлик хужжатдир.

Диссертация ишида қишлоқ жойларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини ўрганишга илмий ёндашилган ҳолда Бош режани тайёрлашнинг услубий асосини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади.

Республикада қишлоқ жойларида қурилишни тартибга солишчи хужжат ҚМК 2.07.04-06 – “Қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудини архитектуравий лойиҳалашни ташкил этиш” бўлиб ҳисобланади. Мазкур хужжатда қишлоқ ҳудудлари қурилишига аҳоли тураржой манзиллари эмас, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш комплекси сифатида ёндашилган. ҚМКда қишлоқ хўжалиги корхонаси Бош режасини ишлаб чиқишда бажариладиган ишлар 12 гуруҳга ажратилган.


Архитектуравий-лойиҳани асослашнинг 1-босқичининг схематик таркибида ижтимоий инфратузилма тизимини ташкил этишни ўрганиш ва асослаш вазифаси қўйилган. Аммо, амалдаги қурилишни лойиҳалаш меъёрларида ижтимоий инфратузилмани ягона тизим шаклида ўрганишга ва алоҳида олиган тураржой ҳудудларини лойиҳалаштиришда инфратузилма объектларига бўлган эҳтиёжни белгилаш меъёрлари келтирилмаган.

Республикада «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқларнинг Бош режалари тайёрланаётган ҳозирги кунда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ягона тизим шаклида ўрганишга ва инфратузилма объектларига бўлган эҳтиёжни аниқлашга илмий ёндашган ҳолда услубий асосини шакллантириш зарурати юзага келади.

Ҳар қандай алоҳида олиган тураржой ҳудудида аҳолининг ҳаёти ва фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ хизматлар мажмудан ташкил топган инфратузилма ушбу хизматларнинг инсон ҳаётидаги моҳиятидан келиб чиқиб икки гуруҳга бўлмнади. Биринчи гуруҳга инсоннинг турмуш тарзи, маънавияти ва илмий салоҳияти билан боғлиқ **ижтимоий инфратузилма** кирса, иккинчи гуруҳни ҳудуда инсон фаолиятини ташкил этиш учун хизмат

қилувчи **ишлаб чиқариш инфратузилмаси** таркибига кирувчи субъектлар ташкил этади.

Алоҳида ҳудуда жойлашган аҳоли яшаш манзили ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузулмаси ягона ажралмас тизим сифатида ривожланади ва тизимдаги ҳар бир субъект ўз ривожланиш доирасида тизимнинг бошқа субъектларига ўз таъсирини ўтказди.



1.2-расм. ҚМК 2.07.04-06га мувофиқ Бош архитектуравий-лойиҳани асослашнинг 1-босқичи

Қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма объектларига коммунал уй-жой хўжаликлари, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, умумий ва ўрта махсус таълим муассасалари, овқатланиш ташкилотлари, коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, спорт-соғломлаштириш масканлари, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, алоқа ва ахборот-коммуникацияси хизмати бўлимлари ва бошқалар киради.

Мақсадли йўналиши, шаклланиш манбаи, ҳудудий жойлашуви ва ижтимоий-иқтисодий жараёнда катнашишига кўра, ҳудудий инфратузилма объектлари 2 гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ ижтимоий инфратузилма объектлари ва иккинчи гуруҳ ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларидан ташкил топади.

Ўз навбатида ижтимоий инфратузилма таркибига муассасалар ҳам инсон ҳаётида тутган ўрнига кўра икки гуруҳга бўлинади.



1.3-расм. Қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилма тарикби

Биринчи гуруҳга инсонни маънавий баркамол, етук, салоҳиятли қилиб тарбиялашга йўналтирилган хизматлар кирса, иккинчи гуруҳга аҳолига фаровон ҳаёт тарзини шакллантириш учун зарур бўлган барча қулайликларни таъминловчи хизматлар киради.

Инсон омилини ривожлантиришга йўналтирилган хизматлар халқнинг маънавий дунёқараши ва билим даражасини юксалтиришга, ёшларни соғлом ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялашга йўналтирилган хизмат мажмуасидан ташкил топади. Айниқса, республикамизнинг қишлоқ жойларида ёшларни соғлом ва замонавий билимларга эга қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Инсоният тараққиётининг узок ўтмишини ўрганар эканмиз халқимизнинг бой маънавий меросга эга эканлигига, юртимизни илм-фан ўчоғи бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Инсон онги, тафаккур ва мантиқ тўғрисида сўз борганда энг қадимий китоб Авестодан бошлаб ҳозирги кунга қадар юртимизда етишиб чиққан улуг олимлар ва уларни дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаларини ҳиссаси беқиёс. Аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган маънавий ва маърифий ананаларни янада ривожлантирган ҳолда ундан баркамол авлод тарбияси йўлида фойдаланиш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган қадриятлари ва бой маънавий меъросига асосланган ҳолда мамлакатимизда шахсан Президентимиз И.Каримов ташаббуслари янги маҳаллий бошқарув институти Маҳалла кенгашига асос солинди.

Республикамизнинг қишлоқ жойларида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи - маҳалла кенгашларининг роли беқиёсдир. Маҳалла кенгашлари қишлоқ жойларида “Қишлоқ фуқаролар йиғини” деб аталади ва фуқаролар йиғинига тегишли ҳудудни маъмурий бошқариш билан бирга, аҳолнинг маънавий-маърифий онгини ривожлантириш, маҳаллий этнографик ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиққан ҳолда бирлаштириш, халқни ижтимоий ҳимоялаш ва турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида асосий вазифаларни амалга оширади.

Замонавий қишлоқларнинг бош режаларини ишлаб чиқишда Қишлоқ фуқаролар йиғини фаолиятини таъминлаш, унинг фаолияти билан боғлиқ барча вазифаларни амалга ошириш имконига эга булган махсус бино ва иншоотлар (маҳалла кенгаши, фуқаролик ҳолатини кайд этиш, статистик ҳисоб, нафақа ва ижтимоий ёрам кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, маҳалла нозирлари учун хоналар, мажлислар зали ва бошқалар) қурилиши режалаштирилади. Шунингдек, қишлоқ жойларидаги маросимлар уйлари (тўйхоналар), маҳалла чойхоналари, маданият ва санъат муассасалари ҳамда жамоатчилик ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ҳам маҳаллий ўз-ўзини бошқариш тизими тасарруфига киради.

Қишлоқ жойларида таълим-тарбия муассасаларининг қуввати аҳоли сонига боғлиқ ҳолда ўрганилади. Таълим-тарбия муассасалари уч гуруҳга бўлинади.



1.4-расм. Қишлоқ жойлари таълим-тарбия муассасалари

Мактабга таълим муассасаларига кичкинтойлар уйи(ясли)лар, болалар боғчалари киради. Умумий ўрта таълим муассасаларига бошланғич таълим (1-4 синф) мактаблари, умумий ўрта талим (1-9 синф) мактаблари, мусиқа ва спорт мактаблари киради. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига академик лицейлар, ва касб ҳунар колледжлари киради.

Амалдаги ҚМК 2.07.04-06 да қишлоқ жойларида таълим-тарбия муассасаларини жойлаштириш учун уларнинг ҳажмини аниқлашда қўлланилаётган услубий меъёрлар собиқ совет тизими давридан сақланиб келаётган бўлиб, ҳозирги кун талабларига мутлақо жавоб бермайди. Масалан

ҚМҚда таълим муассасалари қувватини аниқлаш бўйича келтирилган 5-6 жадваллар “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида республикамизда жорий этилган таълим тизими талабларига мос келмайди. Жадвалларни шакллантиришда аҳолининг демографик ҳолати, кишлоқ жойларининг ҳудудий жойлашуви ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар ўрганилмаган.

Қишлоқ жойлари Бош режасида таълим-тарбия муассасалари қурилишини режалаштиришда улар қувватини аниқлашнинг илмий асосланган услубини шакллантириш талаб этилади.

Таълим муассасалари қувватини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар асосий мезон сифатида аниқланади:

Таълим муассасасини амалдаги таълим тизими ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқлиги. Таълим хизматларига бўлган талаб;

Таълим муассасасининг ҳудудий жойлашуви. Таълим муассасасига ёшларни қамраб олиш ҳудуди;


Аҳоли демографик ва миграцияон кўрсаткичлари таҳлили;

Ижтимоий инфраструктура ва муҳандислик коммуникация объектларини ривожланиш кўрсаткичлари.

Ҳудуднинг иқтисодий ихтисослашуви, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари таркиби ва мутахассисларга талаб кўрсаткичлари (Ўрта махсус, касб ҳунар коллежларини жойлаштиришда).

Қишлоқ жойлари тиббиёт, санитар-гигиеник ва соғломлаштириш муассасаларининг қуввати ҳам аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.

Қишлоқ врачлик поликлиникалари, тиббиёт хизмати кўрсатиш муассасалари қурилишини ташкил этиш Ўзбекистон республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилади.




1.5-расм. Қишлоқ жойлари тиббиёт, санитар-гигиеник ва соғломлаштириш муассасалари

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бу - иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун нормал шарт-шароитларни таъминловчи саноат, қишлоқ хўжалиги ва турли хизмат кўрсатиш корхоналари мажмуидир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокидан келиб чиқиб икки гуруҳга бўлиниб, биринчи гуруҳ бевоста ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахслардан ташкил топса, иккинчи гуруҳга ишлаб чиқариш жарёнини ташкил этиш ва унинг узлуксиз давом этишини таъминлашга ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга хизмат кўрсатувчи субъектлар киради.

Ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи субъектлар ҳудуда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш, ресурслардан тежамли ва унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маблағларни мақсадли ишлатилишини таъминлаш каби фаолият турларини амалга оширувчи иш ва хизматлар йиғиндисидан ташкил топади.



1.6 - расм. Қишлоқ жойлари ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркиби

Ижтимоий инфратузилманинг ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи субъекти гуруҳига кирувчи муассаса ва ташкилотларнинг асосий вазифаларига ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ турли хизматларни кўрсатиш, қишлоқ аҳолисини ижтимоий фойдали фаолиятларини ташкил этишларига кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш учун шароитлар яратиш ҳисобланади.

1.3. Намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганиш йўллари

Уй-жойларни қурилишини замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини иқтисодий самарали ташкил этиш мақсадида 2009 йил январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Қишлоққурилишлойиҳа” институтини ташкил этилди.

“Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан ҳозирга қадар яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 26 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 24 та намунавий лойиҳалар тайёрланиб тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Умумий таҳлилга кўра, қишлоқ жойларида амалга оширилаётган уй-жойлар қурилишини имкон даражасида самарали ташкил этишнинг барча чоралари кўрилмоқда.

Аммо, фан-техника жадал тарақий этаётган, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёлари давом этаётган ҳозирги кунда Республикамиз қурилиш тизимида амалга оширилаётган тадбирлар билан чекланиб бўлмайди. Президентимиз раҳнамолигида юртимиз келажагини кўзлаб олиб борилаётган Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган қурилиш ишларини янада самарали ташкил мақсадида ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд.

Жумладан, уй-жой қурилишини ташкил этиш бўйича қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, уй-жойлар қурилиши архитектуравий лойиҳаларини оптималлаштириш, қишлоқ турар жой массивларини ҳудудларда оптимал жойлаштириш, капитал қурилиш ишларини самарали ташкил этиш, маҳаллий хомашёлардан арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали қурилаётган уй-жойлар таннархини камайтириш каби ечимини кутаётган масалалар кўплаб топилади. Жумладан, қишлоқ ҳудудларини мустақил, ижтимоий-иқтисодий мажмулар шаклида, истиқболда ривожлантириш имкониятларини таъминлайдиган режалар асосида барпо этиш дастурларини ишлаб чиқиш

талаб этилади. Қишлоқлар ҳудудларини меъморий режалаштиришда Қишлоқ фуқаролар йиғини шаклидаги мустақил мажмуа кўринишида ёндашиш ҳудудий яхлитликни таъминлайди.

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаси - аҳоли сони 5 минг кишидан юқори ва 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида аҳоли турар жойлари, ижтимоий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларни жойлаштириш, транспорт-пиёда йўллари ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этиш, ер тузиш, вазифаларини комплекс ҳал қилувчи шаҳарсозлик ҳужжати ҳисобланади. Мазкур лойиҳа 10-15 йил муддатда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудини ривожлантиришда асосий меъморий ҳужжат ҳисобланади.

Уй жой қурилишини ташкил этишда катта ҳажмдаги маблағларни тежаш ва келажакда уй-жойлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар камайтиришга эришиш имконини берадиган вазифалардан бири бу қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида мавжуд қишлоқларни келажакда ривожлантириш учун ер майдонларини танлаш ҳамда шу ер майдонларида уй-жойлар қурилишини оптимал режалаштириш билан боғлиқ.

Агар намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қурилишини янада самарали ташкил этиш орқали унинг таннархини 5-10%га арзонлаштириш имкони юзага келса, мазкур уй-жой қурилиши режалаштирилаётган ҳудудни оптимал танлаш орқали икки уч-марта кўпроқ самарага эришиш мумкин. Бунда биринчидан, уй-жойлар учун ажратиладиган ер майдонлари тежалади, муҳандислик коммуникацияларининг узунлиги қисқаради, иккинчидан уй-жойларга сарфланаётган коммунал харажатлар миқдори камайтириш ҳисобига тураржой биноларининг узоқ йиллар давомида эксплуатация қилиниши ҳисобига катта ҳажмдаги маблағлар тежаб борилади.

Республикада ўтган олти йил давомида қишлоқ жойларида амалга оширилган уй-жой қурилиши ўрганилганда қурилиш массивларини асосан мавжуд қишлоқлар ҳудудларидан узоқда жойлашган ерларда ташкил этилганлигига гувоҳ бўламиз. Бунинг асосий сабаби қурилиш учун қишлоқ хўжалигига яроқсиз ва ташландиқ майдонлар ажратилганлигида деб

қаралади. Аммо, қурилатган массивларга муҳандислик коммуникацияларини қуриш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриб ишга тушуриш билан боғлиқ харажатлар миқдори уй-жойлар таннархининг қимматлаштиришга сабаб бўлади.

Уй-жой массивларини қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида оптимал жойлаштириш мақсадида Бош режани ишлаб чиқиш жараёнида асос қилиб олинadиган кўрсаткичлар:

1. Қишлоқ аҳоли пунктларини жойлаштиришда уларни келажакда ривожлантириш имкониятларини таҳлил қилиш;
2. Янги массив қурилишида ҳудудда мавжуд ижтимоий инфратузилма объектларидан оптимал фойдаланишни таъминлаш;
3. Янги массив қурилишини режалаштириш учун муҳандислик коммуникация (сув, газ, электр ва иссиқлик энергияси, канализация, телефон алоқаси) тармоқлари жойлашган масофани оптимал танлаш;
4. Қишлоқ аҳоли пунктларини маъмурий бошқариш ва ривожлантириш тизимини шакллантириш;
5. Уй-жой қурилиши архитектуравий лойиҳасини такомиллаштириш, намунавий лойиҳаларни ҳудудга боғлаш имкониятини кенгайтириш;

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан республикамызда фуқароларни ўз-ўзини бошқариш тизимини шакллантиришда маҳалла институти жорий этилган бўлиб, ўтган вақт мобайнида у жамиятда бошқарувнинг оптимал механизми сифатида ўзини оқлади. Мазкур институтни қишлоқ жойларида “Қишлоқ фуқаролар йиғини” шаклида ривожлантириб келинмоқда.

Республикамызда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастури доирасида қишлоқ жойларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда айнан Қишлоқ фуқаролар йиғинлари шаклидаги маъмурий бошқарув тизимини шакллантириш асосида қишлоқ ҳудудлари Бош режасини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда қишлоқ аҳоли пунктларини ўрганиш натижаларига кўра, ўрганилган 11820 қишлоқлардан аҳоли сони 100-1000 тагача бўлган қишлоқлар сони 5882 та (49,7%)ни ташкил этиб, улардан 2974 таси аҳоли

сони 500 тагача бўлган кичик қишлоқлар. Бундай аҳолиси кам сонли қишлоқларда ҳаёт даражасини яхшилашга йўналтирилган барча турдаги ижтимоий-маъиший ва коммунал хизмат кўрсатиш объектларини қуриш имконияти чегараланади. Қишлоқ аҳоли пункти ҳажмининг кичрайиб бориши билан аҳолини маънавий-маърифий дунёқарашини ривжлантириш ва фаровон турмуш тарзини шакллантириш билан боғлиқ асосий ижтимоий инфратузилма объектлари қурилишини режалаштириш талаб этилади.

Шу сабабли қишлоқ аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривжлантириш ва маъмурий бошқаришни ташкил этиш имкониятини берувчи оптимал ҳажм (катталиқ)ни танлаш зарурияти юзага келади.

Бу ҳажмни аниқлаш мақсадида юқоридаги 5 та бандда белгиланган кўрсаткичлар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини таҳлил қилар эканмиз, маъмурий бошқариш ва ижтимоий соҳани ривжлантириш жиҳатидан оптимал ечим сифатида 2000 дан 5000 гача аҳоли яшаётган қишлоқ жойларини Қишлоқ фуқаролар йиғинига бириктириш зарур деган хулосага келинади.

Аҳоли таркиби ва ўсиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини оптимал ҳажмини аниқлаш қуйидаги кўрсаткичларда иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради:

- мавжуд қишлоқга ҳудудий боғлаган ҳолда янги уй-жой массивлари қурилишни давом эттириш
- аҳолининг демографик кўрсаткичлари таҳлиliga асосланган ҳолда ижтимоий объектлар қурилишини ташкил этиш;
- ҳудудий жойлашувга кўра муҳандислик коммуникациялари қурилишни оптимал ташкил этиш;
- маъмурий бошқарув тизимини шакллантириш.

Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудининг Бош режасини ишлаб чиқишда аҳоли сони ва унинг демографик кўрсаткичлари асосий таянч маълумот бўлиб хизмат қилади. Айнан аҳоли тўғрисидаги маълумотларни батафсил ва мукамал ўрганиш асосида қилинган прогнознинг аниқлик даражаси юқори бўлади ва унга асослаб шакллантирилган Бош режада оптималлик таъминланади.

Шу сабабли, республикамызда қишлоқ жойларининг Бош режалари шакллантирилатган ҳозирги кунда аҳолининг демографик кўрсаткичларини мукамал ўрганиш ва ривожланиш кўрсаткичларини прогноз қилишнинг илмий асосланган услубий асосларини шакллантириш талаб этилади.

Ижтимоий объектлар қурилишини режалаштиришда аҳоли ёши кесимидаги таҳлил маълумотларига асосланилади (1.7-расм). Аҳолининг ёши кесимида ижтимоий табақаланиш таркибига кўра тақсимлаш орқали ижтимоий соҳа объектлари қувватига бўлган эҳтиёж аниқланади. Бунда қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидаги ҳар бир қишлоқ кесимида мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мукадблари ва касб-хунар коллежларига, спорт иншоотларига, тиббиёт ва соғломлаштириш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектлари қувватига бўлган эҳтиёжни ўрганишда асос бўлиб ҳисобланади.

Аҳоли гурӯхлари	Аҳолининг ёши кесимида гуруҳланиши						
	Боғчагача тарбия ёши (уй, ясли)	Боғча ёши	Умумий ўрта таълим	Ўрта махсус-касб хунар таълими	Касб танлаш ва малакавий кўникма шакллантириш ёши	Фаол меҳнат ёшдаги аҳоли (24-60 ёш аёллар 24-65 ёш эркеклар)	Нафақа ёшидаги аҳоли (60 дан катта аёллар 65 дан катта эркеклар)
Груҳдаги аҳоли ёши	0-3	3-6	7-16	17-19	20-24	25-60	60-100

1.7-расм. Жамиятда аҳолининг ёши кесимида табақаланиши

Қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг ёши кесимида гуруҳларга ажратишни аҳоли ёши кесимидаги статистик маълумот асосида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бош режасида ҳудудни 15 йил давомида ривожланиш кўрсаткичлари тасдиқланади. Ўз навбатида, 15 йил давомида янги қурилиши режалаштирилатган уй-жой массивлари ва ижтимоий соҳа объектлари қувватини ҳисоблашда аҳоли сонининг 15 йил давомида кўпайиш кўрсаткичлари прогноз қилинади.

Қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг 15 йиллик истикболдаги ўсиш

кўрсаткичларини прогноз қилишда асос қилиб олинадиган базис кўрсаткичнинг лигитивлигини таъминлаш учун айнан шу ҳудуддаги қишлоқлар аҳолиси таркибининг сўнгги 20 йил давомидаги демографик ўзгариши кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади. Прогноз қилиш учун демографик кўрсаткичларга асосланган ҳолда аҳол сонининг ўзгариши (ўсиш, камайиш) индекси аниқланади.

Аҳоли сонининг ўртача ўсиш индексини ($I_{\bar{y}}$) аниқлаш учун қуйидаги тенглама тавсия этилади:

$$I_{\bar{y}} = \frac{I_1 + I_n}{2} \quad (2.1)$$

Бунда I_1 - башорат учун асос қилиб олинган даврнинг биринчи йилида базис (ундан олдинги) йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи;

I_n - башорат учун асос қилиб олинган даврнинг охирги йилидаги ўсиш кўрсаткичи.

Мазкур тенглама башорат учун асос қилиб олинган даврнинг биринчи ва охирги йиллари кўрсаткичларига асосланганлиги сабабли асос қилиб олинган давр давомида индекснинг бир маромда ўзгарган тақдирда олинган натижанинг реал ҳолатдан чекиниш даражаси камаяди. Аксинча, башорат учун асос қилиб олинган даврда индекс ўзгарувчан амплетудага эга бўлиб ички кўрсаткичларда кескин ўсиш ва камайиш содир бўлган ҳолатда мазкур тенгламадан фойдаланиб олинган натижа реал ҳолатдан кескин чекиниши мумкин. Бундай ҳолларда башорат учун асос қилиб олинган даврни ялпи ўрганиш тавсия этилиб у қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади:

$$I_{\bar{y}} = \frac{I_1 + I_2 + \dots + I_n}{n} = \frac{\sum I}{n} \quad (2.2)$$

Бунда $I_1 + I_2 + \dots + I_n$ - башорат учун асос қилиб олинган йилларга мувофиқ равишда ўсиш кўрсаткичлари;

n - башорат учун асос қилиб олинган даврдаги йиллар сони.

Келтирилган тенглама танланган давр мобайнида эришилган аниқ арифметик кўрсаткични аниқлаб беради, аммо, ўзгариш амплетудасидаги

тебранишнинг якуний натижага таъсирини акс эттира олмайди. Башорат қилиш жараёнида унинг ишончилигини таъминловчи мазкур кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, республикамизда баркамол авлодни тарбиялаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида охириги беш йил мобайнида аҳоли сонининг ўсиш суратлари сезиларли пасайганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бундай ҳолларда танланган даврнинг маълум қисмидаги ўзгаришлар таъсирини ўрганиш имконини берувчи қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

$$I_{\bar{y}} = \frac{\frac{\sum I}{n} + \frac{(I_{t1} + I_{t2} + \dots + I_{tn})}{t_n}}{2}$$

Бунда: $(I_{t1} + I_{t2} + \dots + I_{tn})$ - танланган даврнинг маълум қисмига кирувчи йиллардаги ўсиш кўрсаткичлари;

t_n - танланган даврнинг маълум қисмига кирувчи йиллар сони.

Қишлоқ жойларини режалаштиришнинг 15 йилга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган уч турдаги тенгламалардан қишлоқ аҳолиси сони ва демографик ўсиш суратлари индекси ($I_{\bar{y}}$)ни топишда фойдаланиш мумкин.

Аҳоли сонининг ўсиш индексига асосланган ҳолда танланган Т муддатда аҳоли сонини қуйидаги тенглама асосида прогноз қилиш мумкин.

$$A = a(1 + \frac{I \times T}{100})$$

А- танланган Т муддатда аҳоли сони

а – амалда мавжуд аҳоли

I – аҳоли сонининг ўсиш индекси

Т- танланган муддат.

Биринчи боб бўйича хулосалар

Қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг аҳамияти катта. Айниқса, аҳолини ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш, замонавий йўллар ҳамда бошқа коммуникация тармоқлари қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ жойларида замонавий ва қулай уй-жойлар қурилиши билан бирга яқин келажакда қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани комплекс ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш мумкинки, замонавий қишлоқ Бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча ижтимоий инфратузилма объектларига ва муҳандислик коммуникация тармоқларига эга бўлиши лозим. Бунда эса қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режасини шакллантиришда қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик кўрсаткичларини ўрганиш, ижтимоий инфратузилмани шакллантириш кўрсаткичларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

2 БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Жиззах вилоятида қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилма таҳлили

Жиззах вилояти ҳақида умумий маълумот: Жиззах вилояти Ўзбекистон марказий қисмида жойлашган. Вилоятнинг умумий майдони 20 минг 500 квадрат километр. Аҳолиси – 1 450 минг киши, ўртача зичлиги - бир квадрат километрга 108 киши. Вилоят 11 маъмурий туманга ажратилган, маъмурий маркази Жиззах. Бу шаҳарда 127 200 киши яшайди. Бошқа йирик шаҳарлари – Гагарин, Ғаллаорол, Пахтакор, Дустлик ва Маржонбулоқ. Жиззах вилояти шимолда Қозоғистон, жанубдан Тожикистон давлатлари, ғарбда Самарқанд ва шарқда Сирдарё вилоятлари билан чегарадош.

Вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарида 50 дан ортиқ зарур турдаги товарлар ишлаб чиқарилмоқда, бундан ташқари 34 турдаги халқ эҳтиёжи моллари ишлаб чиқарилмоқда.

Жиззах вилоятининг асосий ишлаб чиқариш соҳаси бу – озиқ-овқат ишлаб чиқариш (вилоятнинг ялпи ишлаб чиқарган маҳсулотининг 47,6%ни ташкил қилади), енгил саноат ишлаб чиқариш (вилоятнинг ялпи ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30,4%ни ташкил қилади), кимё ва нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш (вилоятнинг ялпи ишлаб чиқарган маҳсулотининг 11,3%ни ташкил қилади). Қуйидагилар йирик саноат ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади: Жиззах шаҳрида “Жиззахпластмасса” АЖ (полиэтилен пленкаси) ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 10,9 млрд сўм (10,1 минг тонна)дан ошган, “Узэксайд” ҚК (Енгил ва оғир автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникалари учун аккумулятор ишлаб чиқариш) ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 1,0 млрд сўм (аккумуляторлар 62минг тонна)дан ортиқ, “Жиззахпахтасаноат” АЖ (39,8 минг тонна пахта толаси ва уруғлик)

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 26 млрд сўмдан ошган, “Жиззахдонмаҳсулот” АЖ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 3млрд сўм (ун маҳсулотлари 21,8 минг тонна).

Демографик жараёнлар, яъни аҳоли сонининг кўпайиб бориши, ўзига хос хусусиятлари ва суръатлари, ўлим даражаси, умр кўриш даври, ва оила таркиби каби бошқа қатор масалалар жамият тараққиётига тобе бўлсалар, иккинчи томондан жамият тараққиётига ўз таъсирларини кўрсатадилар. Шунингдек аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашуви ва унинг мамлакат тараққиётига таъсири қатор фан вакиллари диққат эътиборини тобора кўпроқ жалб этиб келмоқда. Шу каби бу масала қурилиш соҳаси вакиллариининг олдида ҳам бир қатор муаммоларини қўймоқда. Қуйида биз бу масалаларнинг бевосита боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Жиззах вилоятининг аҳолиси 2016 йилнинг 1 январига келиб 1 миллион 450 минг кишидан ошди. Сўнги 20 йилда вилояти аҳолиси 84,48 фоизга ўсган. Вилоят аҳолиси сўнги йилларда ҳар йили 18-18,3 минг кишига кўпаймоқда. Охирги йигирма беш йил ичида вилоят аҳолиси 2 марта кўпайган. Аҳоли сонининг юқори суръатлар билан кўпайиб бориши, энг аввало, туғилиш даражасининг юқорилиги билан белигиланади. Ҳозирги кунда вилоятда, айниқса қишлоқда аҳоли тез ўсмоқда. Бу ҳол асосан, қишлоқда туғилишнинг юқорилиги билан ифодаланиб, республикаимиз учун хос бўлган хусусият саналади. Қишлоқ аҳолиси 2008 йилгача 70,2 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68 сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори⁸га мувофиқ вилоят Жиззах вилояти Халқ Депутатлари Кенгашининг қарори билан 36 та қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68 сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 12-сон.

киритилганлиги (илова-1) сабабли вилоят қишлоқ аҳолиси 70 фоиздан 53 фоизга, яъни 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 180,7 минг кишиг камайган.

2.1 - жадвал

Жиззах вилояти аҳолисининг ўсиш суръати

Йиллар	Жами аҳоли			Шаҳар аҳолиси			Қишлоқ аҳолиси		
	минг киши	фоиз-да	ўс., (%)*	минг киши	фоиз-да**	ўсиш, (%)	Минг киши	фоиз-да	ўсиш, (%)
2010	1051,4	100		314,1	29,9		737,3	70,1	
2011	1064,7	100	1,26	317,5	29,8	1,08	747,2	70,2	1,34
2012	1079,5	100	1,39	321,2	29,8	1,17	758,3	70,2	1,49
2013	1098,3	100	1,74	520,7	47,4	62,11	577,6	52,6	-23,83
2014	1116,8	100	1,68	526,8	47,2	1,17	590,0	52,8	2,15
2015	1135,1	100	1,64	533,4	47,0	1,25	601,7	53,0	1,98

Манба: Жиззах Вилояти Статистика бошкармаси маълумоти

Шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган қишлоқ аҳоли пунктларига аҳолиси ўртача беш минг кишидан ортиқ тўғри келади. Шаҳарчалар туркумига саноат корхоналари, қурилишлар, темир йўл станциялари ва бошқа муҳим объектлар яқинида жойлашган ҳамда қоида тариқасида камида икки минг аҳолиси бўлган аҳоли пунктлари киритилиши мумкин⁹.

Аҳолининг нафақат ҳудудлар бўйича жойлашуви, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи демографик жараён – аҳолининг ёш бўйича таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга кўра республикамызда 18 ёшгача бўлган ёшлар сони 12 млн. 630 минг кишини, ёки умумий аҳолининг 40% ни ташкил этса, 30 ёшгача бўлганлар эса 20 млн. 176 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 64% ни ташкил этади. Бундай демографик ҳолат мамлакатимиз

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 30 августдаги 276-1 сонли “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни. 12 модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9 сон.

иқтисодиёти олдида, айниқса қурилиш тармоғи олдида катта масъулият турганини кўрсатади. Ўсиб келаётган ёш валодни янги ишчи ўринлари билан таъминлаш ва уй-жойга бўлган эҳтиёжи айнан янги-янги ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва уй-жой биноларини барпо этиш орқали таъминланади. Кутилаётган талабни 2000-2024 йилларда капитал қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суратларини камида бундан 18-20 йил олдинги демографик ўсиш даражасида 10-15% кўпроқ ўсишига эришиш орқали таъминлаш мумкин”¹⁰. Вилоят аҳолисининг ёшлар бўйича таркиби ва ҳудудлар бўйича жойлашувуни учинчи бобда ижтимоий соҳа объектларига эҳтиёж ва қурилиши математик моделлаштириш орқали кўриб чиқамиз.

Демак вилоят қишлоқ аҳолисининг уй-жой эҳтиёжини таҳлил қилишдан олдин қишлоқ аҳолисининг уй-жой билан таъминланганлик даражасини таҳлил қиламиз.

2.1—жавдвалда Жиззах вилояти 12 туманининг ўртача аҳолиси, уй-жой фонди ва ўртача уй-жой фонди билан таъминланганлик коэффициенти ёритилган. Ушбу жадвалга Вилоят маркази Жиззах шаҳри критилмаган. Туманлар бўйича жами уй-жой фонди 13 116,8 минг кв. метрни ташкил қилган. Шундан 11 163,2 минг кв. метр қишлоқ жойларига тўғри келади, демак уй-жой фондининг асосий қисми қишлоқ жойларига тўғри келади. Бир ярим миллион кв. метрдан ортиқ уй-жой фонди асосан аҳолиси 100 мингдан ортиқ туманларга тўғри келади, Ғаллаорол, Жиззах, Бахмал ва Зомин туманлари. Ушбу туманлар вилоятнинг энг биринчилардан ташкил топган туманлар ҳам ҳисобланади (Фориш тумани ҳам). Қолган туманлар асосан 1970 йилдан кейин Мирзачўлни ўзлаштиришдан кейин ташкил қилинган. Шунингдек Янгиобод тумани мустақиллик йилларида Зомин ва Сирдарё вилоятларининг ҳудудида ташкил қилинган. 1970 йилдан кейин ташкил қилинган туманлар ерлари асосан қишлоқ хўжалиги ер фонди ҳисобланади.

¹⁰ Зияев М.Қ., Ёдгоров В.У. Бунёдкорлик-юксак марраларга эришишнинг кафолати. “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муаммолари ва ечимлари”. Республика илмий-амалий анжумани натижалари бўйича илмий тўплам. Т.: 2008й. 12-бет.

2.1 – жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ аҳолисining уй-жой ва кватра билан таъминланганлик даражаси.

(1.01.2015 й. ҳолатига)

№ п/п	Вилоят туманлари	Бир йиллик ўртача аҳоли сони			Жами уй-жой фонди			Ўртача таъминланганлик бир кишига		
		Жами <i>Минг киши</i>	шу жумладан		Жами <i>Минг м2</i>	шу жумладан		Жами <i>м2/ киши</i>	шу жумладан	
			Туман маркази	Қишлоқ жойлари		Туман маркази	Қишлоқ жойлари		Туман маркази	Қишлоқ жойлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Арнасой	38,2	14,2	24,1	442,0	-	442,0	11,5	-	11,5
2	Бахмал	121,4	33,7	87,7	1792,3	134,3	1658,0	14,8	12,3	15,0
3	Ғаллаорол	135,3	50,9	84,4	2493,9	448,8	2045,1	18,4	12,6	20,1
4	Жиззах	166,3	72,3	94,0	2331,0	-	2331,0	14,1	-	14,1
5	Дўстлик	53,5	23,4	30,1	625,2	139,4	485,8	11,6	7,9	13,5
6	Зарбдор	52,1	35,1	17,0	735,8	196,6	539,2	14,1	9,5	17,1
7	Зафаробод	41,7	19,4	22,3	422,2	44,2	378,0	10,1	9,8	10,2
8	Зомин	135,2	55,7	79,5	1788,4	417,2	1371,2	13,2	9,6	15,0
9	Пахтакор	61,1	28,5	32,6	721,1	202,1	519,0	11,8	9,8	12,7
10	Мирзачўл	41,7	22,2	19,5	565,9	217,6	348,3	13,6	15,4	12,6
11	Фориш	76,5	14,0	62,5	897,5	153,4	744,1	11,9	10,9	13,0
12	Янгиобод	23,6	4,9	18,7	301,5	-	301,5	12,8	-	12,8
Жами вилоят бўйича		946,7	374,3	572,4	13116,8	1953,6	11163,2	13,4	10,7	14,0

Манба: Жиззах Вилояти Статистика бошкармаси ва Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошкармаси маълумотлари

Уй-жой билан таъминланганликни таҳлил қиладиган бўлсак, туман марказларига нисбатан қишлоқ жойларида уй-жой билан таъминланганлик анча юқорилигин кўриш мумкин. Жумладан вилоят бўйича туман марказларида $10,7 \text{ м}^2/\text{киши}$, қишлоқ жойларда $14,0 \text{ м}^2/\text{киши}$ ташкил қилган. Тамналарнинг қишлоқ аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланганлик даражаси шуни кўрсатадики энг юқори кўрсаткич Ғаллаорол туманига тўғри келади $20,1 \text{ м}^2/\text{киши}$. Уй-жой билан таъминланганлик даражасининг мутлоқ кўрсаткичларидан бири қишлоқ аҳолиси бошқа туманларникига нисбатан кам бўлсада, қишлоқ уй-жой фонди ҳам кўплиги сабабли ўртача таъминланганлик сезиларли даражада юқори. Ғаллаорол Жиззах вилоятининг ижтимоий-иқисодий ривожланган тумани ҳисобланади. Чунки ушбу туманнинг қишлоқлари асосан Катта ўзбек тракти ва темир йўл атрофида жойлашган. Демак қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлиги қишлоқ аҳолисининг уй-жой ва ижтимоий инфратузилма билан таъминланганлигига таъсир кўрсатади. Кейинги юқори кўрсаткич Зарбдор туманига тўғри келади $17,1 \text{ м}^2/\text{киши}$. Шунингдек Зомин ва Бахмал туманларида ҳам бошқа туманларга нисбатан юқори $15,0 \text{ м}^2/\text{киши}$. Бошқа қишлоқ туманларида асосан қишлоқ уй-жой фондининг ўсиш суратлари қишлоқ аҳоли сони ўсиш суратларига нисбат пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ушбу туманларда ер фонди асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланганлиги ва ер фонди ижтимоий инфратузилмадан узоқдалиги сабабли уй-жой фонди ўсиш суратлари паст. Бу албатта қишлоқ аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланганлик даражасига таъсир кўрсатади. Шунингдек Жиззах туманида қишлоқ уй-жой фонди кўп бўлсада, туман Вилоят маркази Жиззах шаҳри атрофида жойлашганлиги сабабли аҳоли зич жойлашган. Бу эса уй-жой фонди билан таъминланганлик даражасига таъсир кўрсатмай қолмайди.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароити нафақат уй-жой билан таъминланганлик, балки уй-жой фондининг ҳолати ва жиҳозланганлик

даражаси, яъни коммунал хизматларнинг мавжудилиги балан ҳам баҳо берилади.

Кейинги жадвалда қишлоқ уй-жой фонди деворларининг конструктив элементлари бўйича ҳолати акс эттирилган. Биноларнинг ташқи деворлари асосий таянч деворлар ҳисобланганлиги сабабли айнан деворлар қурилишига ишлатилган материаллар бинонинг тури ва капиталлик даражасини белгилайди¹¹.

Жадвал кўрсаткичларида аҳоли сони ва уй-жой фонди майдонига мос равишда Жиззах, Ғаллаорол, Бахмал туманларига тўғри келади. Ушбу уйларнинг конструктив ечимлари бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, уйларнинг қарийб 50 фоизи, 64308 таси ҳом ғишдан қурилганлигини кўриш мумкин. Пахса деворли уйлар ҳам салмоқли улۇшга эга, вилоятда қишлоқ жойларда жами 36 466 та пахса деворли уй мавжуд. Бу каби уйлар нисбатан кам ривожланганлигини кўриш мумкин, чунки вилоят туманларинг географик жойлашуви ва ҳудуддаги тупроқ тури пахса деворли уй қуришга тўғри келмайди. Пахса деворли уйлар асосан қўшни Самарқанд вилоятида ривожланган. Шунингдек синч деворли уйлар муҳим аҳамиятга эга, чунки синч деворли уйлар ҳом ғиштли ва пахса деворли уйларга нисбатан капиталлилик даражасига кўра юқори. Лекин бу каби уйлар анча кам, 10189 тани ташкил этади. Харсанг (тоғ) тошли уйлар 592 тани ташкил этиб, шундан 546 таси Зомин туманида, 46 таси Ғаллаорол туманида жойлашган. Ушбу туманлар тоғли ҳудуд ҳисобланганлиги сабабли бу кўртсакич табиийлигини англатади. Бу каби уйлар ҳам ҳом ғиштли, пахса, синч деворли уйларга нисбатан анча юқори, яъни капиталлик даражаси 2 гуруҳга тўғри келади.

¹¹ Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Уй- жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. Дарслик. Тошкент: ТАҚИ. -2011й. 65 бет.

2.2- жадвал.

Жиззах вилояти қишлоқ жойлардаги уй-жой фонидининг ҳолати (1.01.2015 й. ҳолатига)

№ п/п	Вилоят туманлари	Жами уйлар дона	Шу жумладан тутиб турувчи (несущий) деворларининг конструктив ечимлари бўйича							Қўп қаватли уйлар			
			Пахса дона	Синч дона	Хом ғишт дона	Пишган ғишт ораёпма ёғоч дона	Пишган ғишт ораёпма йиғма темир бетон дона	Йиғма темир бетон панелли дона	Харсанг тош дона	Пишган ғишт	Панелли	Каркасли	Ёғоч конструк- цияли
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Арнасой	5 553	151	-	153	2	2	4261	-	540	444	-	-
2	Бахмал	19 607	9540	-	9395	239	283	140	-	10	-	-	-
3	Ғаллаорол	21 023	3359	10	15501	1518	106	387	46	73	4	19	-
4	Жиззах	22 656	5062	-	16277	189	341	745	-	18	24	-	-
5	Дўстлик	4 862	120	-	2466	42	868	1260	-	48	58	-	-
6	Зарбдор	7 045	4273	-	-	12	4	2542	-	1	213	-	-
7	Зафаробод	3 607	-	-	2083	-	-	1412	-	9	103	-	-
8	Зомин	27 401	10925	9559	819	1092	546	3824	546	1	89	-	-
9	Пахтакор	6 373	3036	20	2554	83	151	200	-	94	235	-	-
10	Мирзачўл	4 310	-	-	914	144	1610	1548	-	42	52	-	-
11	Фориш	9 807	-	-	9719	56	-	32	-	-	-	-	-
12	Янгиобод	5 117	-	600	4427	90	-	-	-	-	-	-	-
	Жами вилоят бўйича	137 361	36466	10189	64308	3467	3911	16351	592	836	1222	19	-

Манбаа: Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси маълумотлари

Турар жой биоларнинг капиталлик даражасига кўра 1 ва 2 гуруҳга тўғри келадиган уйлар, яъни пишиқ ғишт деворли ёғоч ва йиғма темир бетон ораёпмали уйлар мос равишда 3467 та ва 3911 тани, йиғма темир бетонли 16351 тани ташкил қилади. Ушбу уйларнинг туманлар кесимида таҳлил шуни кўрсатадики, 70 йиллардан кейин ташкил топган туманлар уй-жой фонди капиталлик даражасига кўра I ва II гуруҳга тўғри келади. Арнасой туманида жами уйларнинг 77 фоизини, яъни 4261 таси йиғма-темирбетон уйлар ташкил этади. Шунингдек Мирзачўл, Зафаробод, Дўстлик туманлари, ҳамда Зомин туманинг Мирзачўл ҳудудидаги қисмида турар жой биоларининг капиталлик даражаси I ва II гуруҳга тўғри келади.

2.3-жадвал

Биоларнинг капиталлилик даражасига кўра гуруҳланиши¹²

Бионинг конструктив элементлари	Биоларнинг капиталлилик гуруҳлари					
	I- гуруҳ	II- гуруҳ	III-гуруҳ	VI- гуруҳ	V- гуруҳ	VI- гуруҳ
Деворлари	Ғиштли, тошли ва панелли		Шлако- блоки, енгил ғишт ва енгил тошли	Ёғоч ковурға ли аралаш (ёғоч- ғиштли)	Шит- симон каркасли, сомонли ёки боғловчи қўшилган пахса	Пахса деворли, хом ғишт деворли, гувала деворли

Қишлоқ уй-жой фондининг ҳолати ва конструктив элементлари, капиталлик даражаси бўйича таҳлилидан қуйидаги хулосалар келиш мумкин. Биринчидан вилоятнинг дастлабки ташкил топган туманларида ҳудуднинг ижтимоий –демографик хусусиятлари ҳисобга олинган, лекин капиталлик даражаси паст.

¹² Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Уй- жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. Дарслик. Тошкент: ТАҚИ. -2011й. 62 бет.

Иккинчидан 70 йиллардан кейин ташкил қилинган туманлар ва аҳоли пунктлари уй-жой фонди капиталлик даражаси юқори, лекин ҳудудларнинг ижтимоий-демографик хусусияти, Мирзачўл ҳудудининг иқлим хусусиятлари инобатга олинмаган.

Учинчидан, мазмун-моҳиятига кўра мукаммал бўлган намунавий лойиҳалар асосида янги қурилаётган уй-жойлар барча ҳудудларнинг ўз хусусиятларига мослиги ва архитектуравий -конструктив ечимлари миллийлик ва замонавийлик уйғунлигини кўрсатади. Бу эса президентимиз бошчилигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг аҳмиятли эканлигини исботлайди. Зеро Президентимиз таъкидлаганларидек “Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, яқка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим”¹³.

Айни пайтда, шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксалиши билан уй-жой фонди билан таъминланганликнинг ўзи аҳоли фаровонлиги даражаси тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бу ўринда уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси, яъни, уй-жой фондининг умумий ҳажмида водопровод, канализация, марказий иситиш воситалари, ванна, табиий газ, иссиқ сув таъминоти кабилар билан жиҳозланган уй-жой майдони улуши аҳамиятли роль ўйнайди¹⁴.

Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” давлат дастурининг “Қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини ошириш” III

¹³ Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ўстувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

¹⁴ Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Уй- жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. Дарслик. Тошкент: ТАҚИ. -2011й. 62 бет.

бандидаги вазифаларни амалга оширишдан аввал кишлоқ аҳоли пунктларининг муҳандислик инфратузилмаси билан таъминланганлик даражасини ошириш, истикболда ичимлик сувга бўлган эҳтиёжини, сув ресурслари манбаларини аниқлаш ва сув ўтказгичлар ва водопровод тармоқларини ривожлантириш мақсадида кишлоқ аҳоли пунктларнинг муҳандислик инфратузилмаси ҳолати ўрганилган (2.4- жадвал). Таҳлиллар шуни кўрсатадики, инфратузилма билан таъминланганлик даражасига аҳоли пунктларининг географик жойлашуви таъсир кўрсатган. Вилоят бўйича сув билан таъминланганлик 64,1 фоизни ташкил этган. Лекин туманлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак айрим вилоятларда 80 фоиздан ортиқни ташкил этади. Жумладан Мирзачўл туманида 95,2, Арнасой туманида 93,7, Пахтакор туманида-85,7, Зафаробод туманида -84,5 фоизни таҳлил қилган. Шунингдек Зарбдор, Дўстлик туманларида ҳам нисбатан юқори кўрсаткич. Демак, Мирзачўл минтақасида жойлашган туманлар сув таъминоти юқори кўрсаткични ташкил этади. Ушбу туманлар ҳудудида табиий сув манбаи бўлмаганлиги сабабли чўл ҳудудини ўзлаштиришида сув тармоқлари тортилган. Вилоятнинг бошқа ҳудудлари бу кўрсаткич паст, жумладан Ғаллаорол, Фориш, Янгиобод туманларида 60-62 фоизни ташкил этган, айниқса Бахмал ва Зомин туманларида анча паст, мос равишда 38,5 ва 33,6 фоизни ташкил қилган. Бунга бир қанча омиллар таъсир кўрсатган, биринчидан ушбу туманларнинг географик жойлашуви, яъни бориш кийин бўлган ва чекка аҳоли пунктларининг кўплиги, иккинчидан кишлоқ аҳоли пунктларининг тарқоқ жойлашганлиги, учинчидан кишлоқ аҳоли пунктларида табиий сув манбалари (булоқ, қудуқ, дарёлар)нинг мавжудлиги.

Сув таъминотининг муҳим бир қисми канализация (сув оқова тизими) вилоятда кишлоқ аҳоли пунктларининг 7,58 фоизиди мавжуд. Жиззах вилоятининг 4 та туманинг кишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд. Ушбу аҳоли пунктларининг ҳаммаси Мирзачўл минтақасида жойлашганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек канализацияга эҳтиёж ушбу тармоқнинг ривожлашига таъсир кўрсатади.

2.4- жадвал

Жиззах вилояти қишлоқ турар жойларининг муҳандислик инфратузилмаси билан таъминланганлик даражаси

№	Туманлар	Муҳандислик инфратузилма билан таъминланганлик даражаси, %				
		Сувтаъминоти	Канализация	Электрэнергия таъминоти	Газ таъминоти	Иссиқлик таъминоти
1	2	3	4	5	6	7
1	Арнасой	93,7	-	100	89,9	-
2	Бахмал	38,5	-	100	37,5	-
3	Ғаллаорол	61,7	-	100	78,9	-
4	Жиззах	73,3	-	100	92,8	-
5	Дўстлик	78,9	25,0	100	90,3	-
6	Зарбдор	77,9	16,0	100	90,2	-
7	Зафаробод	84,5	-	100	83,2	-
8	Зомин	33,6	-	100	41,3	-
9	Пахтакор	85,7	25,0	100	87,9	-
10	Мирзачўл	95,2	25,0	100	96,2	-
11	Фориш	60,5	-	100	70,6	-
12	Янгиобод	61,7	-	100	30,6	-
	Жами вилоят бўйича	64,1	7,58	100	72,7	-

Манбаа: Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси маълумотлари

Юқоридаги жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қишлоқ уй-жой фондининг кам қисми ванна, сув туъминоти билан жиҳозланган.

ёВилоятнинг барча қишлоқ аҳоли пунктлар 100 фоиз электр энергияси билан таъминланган. Вилоят қишлоқларининг 72,7 фоизи табиий газ билан таъминланган. Лекин бу кўрсаткич туманлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак айрим туманларда анча пастлигини кўриш мумкин. Жумладан яна юқоридаги тоғли туманларда газлаштириш даражаси паст. Бахмал туманида 37,5 фоиз, Зомин туманида -41,3, Янгиобод туманида -30,6 фоизни ташкил қилган. Демак ушбу туманларда қишлоқларнинг тарқок жойлашганлиги, яъни аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш лойиҳалаштирилмаганлиги газлаштиришга салбий таъсир кўрсатган.

Шунингдек вилоятнинг қишлоқ туманларида иссиқлик таъминоти мавжуд эмас. Бу туманларнинг иқлим шароитларига бевосита боғлиқ. Маълумки Мирзачўл минтақасида ҳарорат анча юқорилиги сабабли иссиқлик таъминоти кам ривожланган.

Жиззах вилоятининг қишлоқ аҳоли пунктлари ва уй-жой фондини ижтимоий инфратузилма ва қишлоқ аҳолисининг ўртача уй-жой билан таъминланганлиги, уй-жой фонидининг ҳолати таҳлили, қишлоқ жойларда олиб борилаётган қурилиш ишларининг бош меъмори президентимиз И.Каримов бошчилигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг, қишлоқ жойлардаги қурилишни комплекс ривожлантиришнинг қишлоқ аҳолиси турмуш ҳаёт даражасини оширишда қанчалик аҳамиятлилигини кўрсатади.

2.2. Қишлоқ жойларида уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиши таҳлили

Қишлоқ жойларида уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектлари қурилишини ривожлантириш аҳолини уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари билан таъминланганлик кўрсаткичига бевосита боғлиқ.

Уй-жой курилиши тушунчаси фуқароларнинг доимий (узок муддат давомида) ҳаёт кечиришлари учун етарли қулайликларга эга бўлган биноларни қуриб фойдаланишга топширишни кўрсатиб, улар таркибига ҳовли жойлари, кўп хонадонли ва кўп каватли турар жой бинолари, ётоқхоналар, болалар уйлари, қария ва ногиронлар уйлари қиради.

Мамалакатимизда мустақиллик йиллари давомида Президентимиз бошчиликларида олиб борилаётган аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати, қишлоқ аҳолисига қўшимча ер участкалари ажратиб берилиши, маҳаллий қурилиш материаллари қорхоналарининг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши провардида аҳолини уй-жой билан таъминлаш кўрсаткичларида ўсиш суратлари сақланиб қолмоқда.

Жумладан, Жиззах вилоятида 2000-2015 йиллар оралиғидаги уй-жой фондларини қуриб, фойдаланишга топшириш кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, сўнги ўн беш йилда бу кўрсаткичнинг қарийб 1,5 мартага (йиллик фойдаланишга топшириш 326,0 минг кв. метрдан 474,9 минг кв. метргача) кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

2.3.1- жадвалда келтирилган маълумотлар вилоятда уй-жой қурилиши ишларининг асосий қисми қишлоқ жойларда олиб борилганлигини кўрсатади. Жумладан, 2000 йил 326 минг кв. метр уй-жой фонди фойдаланишга топширилган бўлса, шундан 312 минг кв. метри қишлоқ жойларда бунёд этилган. Вилоятда 2010 йилгача жами фойдаланишга топширилган уй-жой фондининг 94 фоиздан ортиғи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келган.

Вилоятда 2014 йилдан бошлаб вилоятда қишлоқ жойларида уй-жой фондлари қурилишида кескин ўсиш суратини кузатиш мумкин. Жумладан, бу кўрсаткич 2014 йилда 69 фоизга, 2015 йилда 71 фоизга ўсган.

Уй-жой фондлари қурилишини молиялаштириш манъбаларини таҳлил қилганимизда вилоятда сўнгги йилларда қуриб фойдаланишга топширилган уй-жойлар асосан қишлоқ аҳолисининг шахсий маблағлари ва банк кредитлари ёрдамида бунёд этилганлигини кўриш мумкин. Шу ўринда

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ипотека кредити ажратиш тўғрисидаги Қарорга эътибор қаратамиз. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳолисига имтиёзли фоиз ставкалари билан, узоқ муддатли ипотека кредитларини ажратиш ҳамда уй-жойга мухтож аҳолига ушбу кредитни бериш тартибининг ишлаб чиқилиши қишлоқда уй-жой қурилишини ривожлантиришда муҳим аҳамит касб этди. Зеро, ушбу механизм орқали уй-жой қурилишини молиялаштириш билан боғлиқ асосий масалалар қишлоқ аҳолиси масъулиятидан олиниб молиявий муассалари зиммасига юклатилди.

Қишлоқ жойларидаги ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, айниқса ҳаёти фаровонлигини ўрганишда аҳолининг уй-жойлар билан таъминланганлик кўрсаткичи катта аҳамиятга эга. Ўрганилаётган давр оралиғида уй-жой қурилиши миқдори доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиши мумкин. Аммо аҳолининг демографик ўсиш кўрсаткичлари бу кўрсаткичга нисбатан прогрессив характерга эга бўлганда уй-жой қурилишидаги бундай ўсиш сурати аҳоли ҳаёт даражаси яхшиланаётганлигини акс эттирмайди.

Шу сабабли, қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилаётган уй-жой фонидининг аҳоли ҳаёт фаровонлигига таъсирини ўрганиш учун, ушбу кўрстакични қишлоқ аҳоли жон бошига нисбатан ўзгаришини таҳлил қиламиз.

2.5- жадвал

Жиззах вилоятида шаҳар, шаҳар типдаги посёлкалар ва қишлоқ жойларда уй-жойларни фойдаланишга
топшириш

Йиллар	Жами		Қишлоқ жойларда			Ўзгариш суръати**	
	Умумий майдони минг кв. м.да	Шу жумладан аҳолининг ўз ҳисобидан ва кредитлар ёрдамида, умумий майдони минг кв. м.да	Жами		Шу жумладан аҳолининг ўз ҳисобидан ва кредитлар ёрдамида	Жами	Қишлоқ жойларда
			умумий майдони минг кв. м.да	фоизда*			
2000	326,0	326,0	312,0	96	312		
2005	356,4	356,4	343,7	96	343,7	1,015	1,03
2010	332,5	332,5	318,6	96	318,6	0,93	0,07
2011	338,9	338,9	317,5	94	317,5	1,02	-0,003
2012	358,8	358,8	342,4	95	342,4	1,06	1,08
2013	385,9	385,9	245,6	64	245,6	1,08	-28
2014	393,7	393,7	272,1	69	272,1	1,02	1,11
2015	474,9	474,9	338,8	71	338,8	1,21	1,25

Манба: Жиззах Вилояти Статистика бошқармаси маълумоти

Қишлоқ жойларида 1000 аҳоли жон бошига фойдаланишга топширилган уй-жой фонди бақарорликни кўриш мумкин. Жумладан 2010 - 2015 йилларда 450 квадрат метрдан 437, 8 квадрат метр оралғида бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек қишлоқ аҳолиси сонининг ўзгариши 2013 йилда қишлоқда фойдаланишга топширилган уй-жой фонди 1000 аҳоли жон бошига ҳисобланганда ошганлигини кўриш мумкин. 2013 йилда 574,8 м², 2014 йил 562.7 м², 2015 йил 551.8 м²га тўғри келган. Такқослаш учун Ўзбекистон Республикасида 1000 аҳоли жон бошига ҳисобланган қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилган уй-фондини кўриб чиқамиз. Графикдан кўриниб турибдики бу кўрсаткич вилоятда республикадан сезиларли даражада юқори. Бу эса вилоят қишлоқ жойларда фойдаланишга топшириладиган уй-жой фондининг аҳоли сонининг ўсиш тенденциясига нисбатан ижобийлигидан далолат беради.

Аҳолининг турмуш даражаси уй-жойлар билан таъминланганлик билан бирга ҳудудда ижтимоий мажмуа объектлари мавжудлигига боглиқ бўлади. Жиззах вилоятида, шу жумладан вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳоли турмуш даражасини ўрганиш мақсадида ижтимоий соҳа объектлари қурилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қиламиз. Ушбу бобнинг кейинги қисмида қишлоқ жойларда қуриладиган ижтимоий соҳа объектлари қурилиши таҳлил қилинган. Чунки қишлоқ жойларда қурилишни комплекс ривожлантиришда ижтимоий инфратузилма объектлари ва муҳандислик тармоқлари қурилиши ҳал қилувчи рол ўйнайди. Президентимиз таъкидлаганларидек “Биз қишлоқда нафақат обод аҳоли масканлари ва замонавий уйларга, балки равон йўллар, узлуксиз энергия таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимига, ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига – бу қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар бўладими, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси бўладими, хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари бўладими – ана шундай ва бошқа тузилмаларга эга бўлишимиз керак”.¹⁵

¹⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

2.6 - жадвал

Жиззах вилоятида ижтимоий - маданий мақсаддаги объектларни фойдаланишга топшириш

	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
шаҳар, шаҳар типидagi посёлкалар ва қишлоқ жойларда								
Умумий таълим муассасалари, минг ўқув ўрни	1,4	1,08	7,3	1,737	1,377	1,602	1,278	-
Касб-хунар коллежлари, ўқув ўрни	1,850	2,140	3,240	2,520	4,710	4,770	7,035	0,435
Академик лицейлар, минг ўқув ўрни	-	-	-	-	-	1,290	-	-
Касалхона муассасалари, койка	-	-	-	-	150	-	-	-
Амбулатор –поликлиника муассасалари, бир сменага минг ташириф буюрувчи	1,0	1,0	1,3	0,650	0,3	0,4	0,35	-
шу жумладан қишлоқ врачлик пункти, бир сменага минг ташириф буюрувчи	1,0	1,0	1,0	0,650	0,1	0,2	0,3	-
шу жумладан қишлоқ жойларда								
Умумий таълим муассасалари, минг ўқув ўрни	1,4	1,08	7,1	1, 050	0,950	1,602	1,278	-
Касб-хунар коллежлари, минг ўқув ўрни	1,350	1,540	2,150	0,850	3,140	2,950	5,850	0,435
Академик лицейлар, минг ўқув ўрни	-	-	-	-	-	0,495	-	-
Касалхона муассасалари, койка	-	-	-	-	-	-	-	-
Амбулатор –поликлиника муассасалари, бир сменага минг ташириф буюрувчи	1,0	1,0	1,0	0,650	0,3	0,4	0,35	-
шу жумладан қишлоқ врачлик пункти, бир сменага минг ташириф буюрувчи	1,0	1,0	1,0	0,650	0,1	0,2	0,3	-

Манба: Жиззах Вилояти Статистика бошқармаси маълумоти

Вилоятнинг капитал қурилишининг мажмуасининг асосий объектлари, ижтимоий соҳа объектлари таҳлил қилинган. Жадвалда ижтимоий соҳа объектлари умумий таълим муассасалари, касб –хунар коллежлари, академик лицейлар, касалхона муассасасалари, амбулатор – поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пункти гуруҳга бўлиб ўрганилган. Шунингдек жадвалда ижтимоий соҳа объектлари шаҳар ва қишлоқ жойлари бўйича таҳлил қилинган.

Жадвалдаги биринчи кўрсаткич мактаблар қурилиши, ўтган давр 7 йил давомида 15 минг 774 ўринли умумий таълим муассасалари қуриб битказилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки 14 минг 406 ўринли мактаб қишлоқ жойларда бунёд этилган. Ҳар йили вилоятда минг ўриндан ортиқ мактаблар фойдаланишга топширилган бўлса, 2010-2014 йилларда 7,3 минг ўринли мактаб қуриб битказилган. Жадвалдан кўринадикки 2010-2015 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилганлиги сабабли ушбу йилларда фойдаланишга топширилган мактаблар сезиларли даражада юқори. Шунингдек ижтимоий соҳа объектлари қурилишида касб-хунар коллежлари қурилиш ҳам катта салоҳиятлаг эга. Жумладан 2011 йилда 2520 ўқувчи ўринга эга бўлган 4 касб хунар коллежи, 2012 йилда 4710 ўқувчи ўринли 8 та, 2013 йилда 4770 ўқувчи ўринли 9 та, 2014 йил 7035 ўқувчи ўринли 15 та, 2015 йилда эса 435 ўринли 1 та касб хунар коллежи қурилиб фойдаланишга топширилган. Аҳамиятли жиҳати ушбу бунёд этилган касб хунар коллежларининг 18 минг 265 ўринлиси қишлоқ жойларига тўғри келади.

Айни пайтда, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда узлуксиз таълим тизими тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига – маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, фан ва бошқаларга кизиқтириш муҳим ҳисобланади. Маълумки, 2010 йилгача Ўзбекистон

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорт объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган. Бу ҳаракат ҳозирги кунда ҳам давом эттирилиб Жиззах вилоятида ҳам 2013 йилда 3 та, 2014 йилда 4 та, 2015 йилда 6 та спорт иншоотлари жумладан 6 та ёпиқ сузиш хавзалари куриб фойдаланишга топширилди.

Шунингдек 2010 йилдан вилоятда болалар мусиқа ва санъат мактабларини куриш ва қайта таъмирлаш ишлари жадал тус олга бўлиб 5 йил давомида бу соҳада 12 742,2 млн. сўм ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 2,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 34,6 фоизини ташкил қилади. Натижада 4 та бола мусиқа ва санъат мактаби куриб битказилди ва 2 та мусиқа мактаби қайта таъмирланди.

Таҳлил қилинаётган 8 йил давомида 1 та, Бахмал туманида 150 ўринли касалхона ва сменада 200 кишини қабул қиладиган даволаниш мажмуаси фойдаланишга топширилган. 2010 -2015 йилларда қуввати бир сменага минг ташриф буюрувчидан ортиқ амбулатор–поликлиника муассасалари курилган. Кейинги йилларда амбулатор –поликлиника муассасалари курилиш пасайганлигин кўриш мумкин. Аҳамиятлиси ушбу муассасаларнинг асосий қисми вилоятнинг чекка ҳудудларида барпо этилган қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этади. Амбулатор –поликлиника муассасаларининг курилишининг асосий қисмини қишлоқ врачлик пункти ташкил этганлиги ҳам қишлоқ жойларда бунёд этилаётган тиббиёт муассасалари курилишининг пасайишига таъсир кўрсатган. Чунки йилдан йилга қишлоқларнинг тиббиёт муассасалари ва врачлар билан таъминланганлик ошиб бормоқда.

Ижтимоий инфратузилма қурилишининг муҳим бир қисми коммунал қурилиш катта ижтимоий –иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки муҳандислик тармоқлари қурилиши нафақат аҳолининг турмуш даржасини оширишга, балки қишлоқда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам таъсир кўрсатади.

Жиззах вилоятида муҳандислик тармоқларини қуриш бир канча муракабликга эга, чунки вилоятнинг тарқок жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари асосий қисми ташкил этади. Шунингдек айрим туманларида аҳоли пунктлари тоғ ва тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Жадвал маълумотларидан кўринадикки сув ва газ тармоқлари асосан қишлоқ жойларда қурилган (2.3.3-жадвал). Жумладан 2008 йилда 108,3 кмлик сув тармоқлари ётқизилган бўлса, унинг 98 фоизи 106,2 кми қишлоқ жойларига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич 2009 биров тушган бўлсада, 2005 ва 2006 йилларда сезиларли даражада ошганлигини кўриш мумкин. 2012 дан бошлаб сув тармоқлари қурилиш кески равишда ошган. Осиё Тараққиёт банкининг Жиззах шаҳрининг сув таъминотини мукаммаллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати остида олинган кредит ҳисобига сўнги йилларда вилоятда сув тармоқлари қурилишининг ошишига сабаб бўлди. Шунингдек ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 2008 йилда шаҳарда қурилган сув тармоқлари қишлоқ ҳудудида ётқазилган тармоқлар ҳажмидан ошиб кетди. Бу эса лойиҳанинг асосий қисми 2008 йилда амалга оширилганидан далолат беради.

2.7 - жадвал

Жиззах вилоятида муҳандислик инфратузилмаси қурилиш, км

	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
шаҳар, шаҳар типидagi посёлкалар ва қишлоқ жойларда								
Сув оқава тармоқлари	108,3	100,7	133,4	137,0	250,5	515,7	196,5	319,3
Газ тармоқлари	145,8	156,0	144,8	115,8	37,8	40,1	55,1	57,6
шу жумладан қишлоқ жойларда								
Сув оқава тармоқлари	106,2	97,1	127,2	128,5	159	141,5	160,0	166,8
Газ тармоқлари	140	150,9	142,5	110,6	35	37,2	34,7	37,2

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриладиганлиги ҳам сув тармоқлари қурилиши 2014 ва 2015 йилларда ошганлигини кўрсатади.

Газ тармоқларининг асосий қисми қишлоқ жойларда қуриладиганлиги албатта табиий ҳол. Чунки қишлоқ аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси шаҳарникидан сезиларли даражада фарқ қилади. Лекин жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, қишлоқ аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси йилдан йилга ошиб бораётганлиги сабабли, қишлоқ жойларда газ тармоқлари қурилиши пасайганлигини кўриш мумкин. Лекин сўнги 2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши кўлами кенгайганлиги сабаби, 2014 йилга нисбатан 120 фоизга кўп, яъни 37,2 км газ тармоқлар ётказилган.

2.3. Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида қурилиши ва иқтисодий самарадорлиги таҳлили

Энг аввало, қишлоқда қуриладиган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун лойиҳалаштириш ишларидан яхши хабардор бўлган, барча моддий-техникавий базага ҳамда етарли илмий салоҳиятга эга ихтисослашган лойиҳа-қидирув институтларини ташкил этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган 1049-сонли “МЧЖ “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги” қарорига мувофиқ ташкил этилган “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳалаш-қидирув институти айнан шу вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

“Қишлоққурилишлойиҳа” институти ҳукуматимиз кўмаги билан қишлоқларни замонавий архитектура талаблари асосида меъморий лойиҳалаштириш ишлари учун зарур бўлган барча моддий-техникавий ва илмий салоҳият билан таъминланган. 2015 йилгача “Қишлоққурилишлойиҳа”

институту томонидан якка тартибда уй-жой куриш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун алоҳида, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари худуди учун алоҳида, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари учун алоҳида, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Фарғона, Андижон, Наманган худудлари учун алоҳида, тоғ ва тоғолди жойлар учун ўзига хос, жами 31 та уй-жой лойиҳалари, 24 та ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳалари ва худудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 22 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қўллаш учун тавсия этилди.

Намунавий лойиҳа (НЛ) - замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланиб намунавий уй-жойлар қуриш учун "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ лойиҳалаш-қидирув институти томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган лойиҳа. Намунавий лойиҳа: ер ости ва ер усти муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ҳолдаги ер участкаси режасидан; уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, кесимлари ва фасадларининг режаларидан; смета-молиявий ҳисоб-китобдан иборат бўлади.

Жиззах вилояти уч та иқлимий минтақалари мавжуд 4 та вилоятларидан бири ҳисобланади. Демак вилоятда уй-жойларни лойиҳалаш ва қуриш ўзига хос хусусиятларга эга. Юқоридаги бобларда таъкидлаб ўтилганидек вилоятнинг туманлари иқлим шароитлари бир биридан кескин фарқ қилади. Иқлимий-қурилиш талаблар асосида вилоятнинг туманларини минтақаларга тақсимлаш мумкин. Жумладан Мирзачўл худудида жойлашган Пахтакор, Зафаробод, Дўстлик, Арнасой, Зарбдор туманлари, Зомин ва Жиззах туманларининг бир қисми I минтақага тўғри келади. Фориш, Зомин, Ғаллаорол, Бахмал, Жиззах туманларининг бир қисми, Янгиобод туманлари II минтақага киради. Бахмал, Зомин, Фориш туманларининг бир қисми III минтақага тўғри келади.

Жиззах вилояти туманларининг бу каби мураккаб ҳолда минтақаларга бўлиниши вилоятда намунавий лойиҳаларнинг меъморий –режавий ечимлари, иқлим шароитларига, смета ҳужжатлари ва иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Жиззах вилоятида 2009-2014 йилда учта туманда Бахмал, Галлаорол ва Жиззах туманларида 6 та намунавий лойиҳалар асосида 73 та массив қурилди. Ушбу массивларда 37167 м²дан ортиқ 1655 та турар жой биноси бунёд этилди (2.4.1-жадвал).

НЛ 184-02С-09 бир қаватли, 4 хонали уй- жой биносининг умумий майдони 110,4 м², турар жой майдони 63,4 м², қурилиш майдони 162,57 м², қурилиш ҳажми 561,83 м³.

НЛ 184-03С-09 бир қаватли, 5 хонали уй-жой биносининг умумий майдони 116,74 м², турар жой майдони 70,26 м², қурилиш майдони 173,3м², қурилиш ҳажми 619,12 м³.

НЛ 184-19С-09 бир қаватли, 5 хонали турар жой, умумий майдони 156,8 м² турар жой майдони 96,9 м², қурилиш майдони 216,5м², қурилиш ҳажми 766,5 м³.

НЛ 144-18С-09 икки қаватли, 4 хонали икки хонодонли уй-жой биноси, умумий майдони 232 (116) м², турар жой майдони 122,4 (61,2) м², қурилиш майдони 199,2 (99,6) м², қурилиш ҳажми 1283,0 м³.

НЛ 144-16С-09 икки қаватли, 4 хонали икки хонодонли уй-жой биноси, умумий майдони 254,3 (127,15) м², турар жой майдони 143,2 (71,6) м², қурилиш майдони 226,6 (113,3) м², қурилиш ҳажми 1348,7 м³.

НЛ 144-22С-09 икки қаватли, 6 хонали уй-жой биноси, умумий майдони 167 м², турар жой майдони 111,6 м², қурилиш майдони 132,5 м², қурилиш ҳажми 812,3 м³.

Ушбу лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси II, III қурилиш-иқлимий минтақасида қишлоқ урилиши учун мўлжалланган. Зилзилабардошлиги 7-8 балл. Бинолар тоифаси II. Конструктив ечими пойдеворлар тасмасимон, қуйма бетон. Деворлари М-50 қоришмали М-75 маркали гишт. Ораёпмалар –

йиғма темир –бетон, ичи бўш плиталар. Том қопламаси ёғоч тўсин ва металчерепица. Деразалар икки қават ойнали ёғоч, пластмасса, эшиклар ёғоч.

Мухандислик ускунлари: иситиш газда ишлайдиган қозонлар, ҳаво шамоллатиш- табиий. Сув таъминоти сув қувурлари тармоқларидан, оқава сув маҳаллий оқава тармоқларига уланган. Газ таъминоти –қишлоқ газ қувури тармоқларидан. Электр энергияси таъминоти қишлоқ тармоқларидан.

2015 йилда Жиззах вилоятида 12 та туманда 7 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилди (2.4.2-жадвал). 2009-2014 йилда қурилган уй-жойларнинг 4 та: НЛ184-02С-09, НЛ184-03С-09, НЛ184-19С-09, НЛ144-18С-09 намунавий лойиҳалари ва янги НЛ184-01С-09, НЛ184-08С-09 лойиҳалар асосида амалга оширилди. НЛ144-18С-09 намунавий лойиҳалар бўйича 2014-15 йилда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган.

Демак **НЛ 144-16С-09** икки қаватли, 4 хонали икки хонодонли уй-жой биноси ва **НЛ 144-22С-09** икки қаватли, 6 хонали уй-жой биноси намунавий лойиларига аҳолида эҳтиёж бўлмаган. Чунки 2014 йилгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда ПҚ-1167 сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этилиб, компания вилоят ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябрگача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлаш юклатилди. Компания томонидан вилоятда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижасида, шунингдек аҳолининг ушбу лойиҳаларга буюртманомалари бўлмаганлиги сабабли янги лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилди.

2.8-жадвал

Жиззах вилоятида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй жойлар, 2015 й.

Т/р	Туманлар	НЛ 184-01С-09 бир қаватли 3 хонали турар жой, майdonи 82 м ²		НЛ 184-02С-09 бир қаватли 4 хонали турар жой, майdonи 108 м ²		НЛ 184-08С-09 бир қаватли 4 хонали турар жой, майdonи 119 м ²		НЛ 184-03С-09 бир қаватли 5 хонали турар жой, майdonи 123 м ²		НЛ 184-19С-09 бир қаватли, 5 хонали турар жой, майdonи 143,9 м ²		НЛ 144-18С-09 икки қаватли, 4 хонали икки хонодонли турар жой, майdonи 116 м ²		НЛ 144-18С-09 икки қаватли, 4 хонали икки хонодонли турар жой, майdonи 127 м ²		Жами	
		м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона	м ²	дона
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	Арнасой	574	7	864	8											1438	15
2	Бахмал			1080	10											1080	10
3	Ғаллаорол			1512	14			1107	9			464	2/4			3083	25/27
4	Дўстлик													5080	20/40	5080	20/40
5	Жиззах			864	8			4305	35							5169	43
6	Зарбдор			1944	18									1524	6/12	3468	24/30
7	Зомин	902	11			2380	20	492	4	719.5	5			1270	5/10	5764	45/50
8	Зафаробод							1353	11	575,6	4					1929	15
9	Мирзачўл			1620	15											1620	15
10	Пахтакор			5400	50											5400	50
11	Фориш			2160	20											2160	20
12	Янгиобод	820	10													820	10
	Жами	2296	28	15444	143	2380	20	7257	59	1295	9	464	2/4	7874	31/62	37010	292 /325

Манбаа: “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Жиззах филиали маълумоти

Жумладан НЛ184-01С-09 намунавий лойиҳа бўйича умумий майдони 2296 метр кватратдан ортиқ 28 турар жой биноси, НЛ184-08С-09 лойиҳа бўйича 20 та, НЛ144-18С-09 бўйича 62 хонодонли 31 та турар жой биноси фойдаланишга топширилган. Ушбу лойиҳалар бўйича уй-жойлар асосан вилоятнинг I қурилиш –иқлимий минтақасида қурилган. 2015 йилда 37,010 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланишга топширилган. Ушбу уйларнинг 42 фоизи **НЛ 184-02С-09** лойиҳаси бўйича бунёд этилган. 2014 йилда ушбу намунавий лойиҳа 130 та уй-жой биноси қурилган бўлса, 2015 йилда 143 та қурилган. Демак **НЛ 184-02С-09** лойиҳаси шинамлиги, қулайлиги ва молиявий жиҳатдан оптималлиги аҳолининг кенг қатламида қизиқиш уйғотган. Бир қаватли тўрт хонали уй-жойлар ҳозирги кунда ҳам бошқа лойиҳалардан ажралиб турибди. Чунки тўрт хонали уйлар Жиззах вилоятининг ижтимоий-демографик хусусиятларига тўғри келади.

Маълумки уй-жой массивлари фақатгина уй-жой қурилиши билан бунёд бўлмайди, ҳозирги замонавий уй-жой қурилишини ижтимоий инфратузилма, муҳандислик тармоқлари, коммуникациясиз тассаввур қилиб бўлмайди. Массивлар учун ер ажратиш мураккаб ҳисобланади, чунки у кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигидан бўлмаслигидан ташқари, муҳандислик тармоқлари ва йўлларга чиқиш имконияти қулай бўлишини кўрсатади. Уй-жой массивлари учун ерларни оптимал танлаш нафақат муҳандислик тармоқларига чиқиш имкони бериши, шунингдек бу бир қанча

иқтисодий самарадорликка олиб келади ва албатта, инсон манфаатлари устун туриши керак. Чунки аҳолининг ижтимоий инфратузилма объектларига қатнаш имкониятини яратиши керак.

2.9-жадвал

Жиззах вилоятида якка тартибдага уй жойлар массивлари қурилиши, 2015 й.

Т/р	Туманлар номи	Массивлар номи	Массивнинг ер майдони, га	Уй-жойлар				Муҳандислик ва транспорт коммуникацияси қурилиши, км			
				2014 йил		2015 йил		Газ таъминоти тармоклари	Сув таъминоти тармоклари	Электр таъминоти тармоклари	Ички йўллар
				Майдони, м ²	сони	Майдони, м ²	сони				
1	Арнасой	“Олтин водий” ҚФЙ, Олтин водий ҚАП ҳудудида	0,85			1438	15	0,2	0,02	0,6	0,2
2	Бахмал	“Оқ тош” ҚФЙ, Бунёдкор маҳалласи	2,0	2207	20	1080	10	1,3	1,5	1,5	1,3
3	Ғаллаорол	“Маданият” ҚФЙ, Сарбозор ҚАП ҳудудида	4,4	2689	20	3083	27	0,06	0,12	0,5	0,1
4	Дўстлик	“Мевазор” ҚФЙ, Мевазор ҚАП ҳудудида	3,6			5080	40	0,3	0,2	0,4	0,1
5	Жиззах	“Уч тепа” ҚФЙ, Уч тепа ҚАП ҳудудида	4,5	2271	20	5169	43	0,2	0,8	0,6	0,45
6	Зарбдор	“Равот” МФЙ, Равот ҚАП ҳудудида	3,64			3468	30	0,7	1,2	0,5	1,0
7	Зомин	“Ғаллакор” ҚФЙ, Лайлак уя ҚАП ҳудудида	3,0			5764	50	0,3	0,2	0,5	0,3
8	Зафаробод	“Бирлик” ҚФЙ, Бирлик ҚАП ҳудудида	2,6			1929	15	0,02	0,02	0,8	0,1
9	Мирзачўл	“Ипак йўли” ҚФЙ, Ипак йўли ҚАП ҳудудида	0,85			1620	15	0,6	0,5	0,4	0,5
10	Пахтакор	“Олмазор” ҚФЙ, Олмазор ҚАП ҳудудида	6,0			5400	50	0,02	0,12	0,2	0,1
11	Фориш	“Осмонсой” ҚФЙ, Тутак ҚАП ҳудудида	4,0			2160	20	1,0	1,0	0,2	1,0
12	Янгиобод	“Ховос” ҚФЙ, Пастки чақир ҚАП ҳудудида	3,0			820	10	0,5	0,7	0,7	0,5
	Жами		38,44	7167	60	37010	325	5,2	6,38	6,9	5,65

Манбаа: “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Жиззах филиали маълумоти асосида муаллиф ҳисоб китоби

Юқоридаги жадвалда массивларининг муҳандислик ва транспорт коммуникацияси қурилиш таҳлил қилинган. Ер массивларининг қанчалик оптимал танланганини аниқлаш учун муҳандислик тармоқларининг узунлигини массивларда қурилган уйларнинг сонига бўламиз. Чунки 2014 ва 2015 йилларда қурилган массивлардаги уй-жойлар сони фарк қилади. Шуннингдек массивлардаги уй-жой қурилиш тугалланган. Бу ерда уй-жойларнинг қавати, майдон, хоналар сони муҳим аҳамиятга эга эмас.

Массив учун ер участкасининг оптимал танланганлигини ижтимоий инфратузилма тармоқлариига уланиш имконияти нуқтаи назаридан қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$S = \frac{\xi}{H} \quad (11)$$

Бунда ξ - ижтимоий инфратузилма тармоқлари, км

ξ_1 - газ таъминоти тармоқлари

ξ_2 - сув таъминоти тармоқлари

ξ_3 - электр таъминоти тармоқлари

ξ_4 - ички йўллар

H - массивда қурилган уйлар сони


2.10-жадвал

Жиззах вилоятида яқка тартибдаги уй жойлар массивларини оптимал жойлашганлигини ифодаловчи самарадорлик кўрсаткичлари.

Т/р	Туманлар номи	Массивлар номи	Муҳандислик ва транспорт коммуникацияси қурилиши, км			
			Газ таъминоти тармоқлари	Сув таъминоти тармоқлари	Электр таъминоти тармоқлари	Ички йўллар
1	Арнасой	“Олтин водий” ҚФЙ, Олтин водий ҚАП ҳудудида	0,013	0,001	0,040	0,013
2	Бахмал	“Оқ тош” ҚФЙ, Бунёдкор маҳалласи	0,043	0,050	0,050	0,043
3	Ғаллаорол	“Маданият” ҚФЙ, Сарбозор ҚАП ҳудудида	0,001	0,003	0,011	0,002
4	Дўстлик	“Мевазор” ҚФЙ, Мевазор ҚАП ҳудудида	0,008	0,005	0,010	0,003

5	Жиззах	“Уч тепа” ҚФЙ, Уч тепа ҚАП худудида	0,003	0,013	0,010	0,007
6	Зарбдор	“Равот” МФЙ, Равот ҚАП худудида	0,023	0,040	0,017	0,033
7	Зомин	“Ғаллакор” ҚФЙ, Лайлак уя ҚАП худудида	0,006	0,004	0,010	0,006
8	Зафаробод	“Бирлик” ҚФЙ, Бирлик ҚАП худудида	0,001	0,001	0,053	0,007
9	Мирзачўл	“Ипак йўли” ҚФЙ, Ипак йўли ҚАП худудида	0,040	0,033	0,027	0,033
10	Пахтакор	“Олмазор” ҚФЙ, Олмазор ҚАП худудида	0,000	0,002	0,004	0,002
11	Фориш	“Осмонсой” ҚФЙ, Тутак ҚАП худудида	0,050	0,050	0,010	0,050
12	Янгиобод	“Ховос” ҚФЙ, Пастки чакир ҚАП худудида	0,050	0,070	0,070	0,050
	Жами		0,014	0,017	0,018	0,015

Манбаа: “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Жиззах филиали маълумоти асосида муаллиф ҳисоб китоби



2.2-расм. Жиззах вилоятида 2014-2015 йилларда якка тартибдага уй жойлар массивлари муҳандислик тармоқлар қурилиши самарадорлиги диаграммаси, км

Манбаа: “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси Жиззах филиали маълумоти асосида муаллиф ҳисоб китоби

Президент И.Каримов 2015 йилнинг май ойида Андижон ва Фарғона вилоятларига ташрифи давомида экспериментал тарзда қурилган уй-жойлар билан танишиб, янги хонадонларнинг соҳиблари билан суҳбатлашганди. Уларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, уй-жойларнинг лойиҳаларини янада такомиллаштириш борасида ўзининг таклиф ва тавсияларини берганди. Юртбошимизнинг амалий фикр-мулоҳазалари ҳамда тавсияларидан келиб чиққан ҳолда “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа-қидирув институти томонидан намунавий лойиҳаларни янада мукаммаллаштириш мақсадида таҳлилий ишлар қилинди. Жумладан, эътибордан четда қолган омиллар — шамол йўналиши, ёруқлик тушиши лойиҳада инобатга олинди. Уйларнинг кенг бўлиши, деворларнинг баландлигига эътибор берилди. Шунингдек, ҳовлидаги дарвозахона ёнида автомашина учун жой назарда тутилди. Хавфсизлик нуқтаи назаридан қозонхона ҳовли четига кўчирилди.

2014 йил 19-20 октябрларда Тошкент шаҳридаги “Ўзқўргазмасавдо” маркази кўргазмалар павильонида Қишлоқ аҳолиси учун уй-жойлар лойиҳаларининг V- Республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Президентимиз янги уй-жойларни шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, табиий иқлим шароити, шу билан бирга замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Кўргазмада намоиш этилган 3, 4, 5 хонали бир қаватли уйларнинг лойиҳаларида юқоридаги хусусиятлар инобатга олинган.

2.11-жадвал

Янги НЛ184-32С-13 ва НЛ184-05С-10 намунавий лойиҳаларининг таққослама кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўл. бир.	НЛ 184-32С-10	НЛ 184-05С-09	Фарқи (+/-)
I. Ҳажмий –режалаштириш кўрсаткичлари					
1.	Умумий майдони	м ²	141,88*	129,64	12,24
2.	Турар жой майдони	м ²	72,6	54,0	18,6
3.	Қурилиш ҳажми	м ³	883,2	630	253,2
4.	Қурилиш майдони	м ²	178,2	168,0	10,2

II. Уйнинг қиймат кўрсаткичлари					
1.	Умумий қиймати	минг сўм	48739,25	51727,65**	-2988,4
2.	Умумий майдоннинг 1 м ² қиймати	минг сўм	343,52	399.0	-55,48
3.	Қурилиш ҳажмининг 1 м ³ қиймати	минг сўм	55,18	82.10	26.98
III. Хўжалик қурилишларининг қиймати:					
1.	Қозонхона	минг сўм	4505,39	-	4505.39
2.	Автомашина учун айвон	минг сўм	2766,07	2766,07	0
3.	Ҳовлидаги хожатхона	минг сўм	2517,22	2517,22	0
4.	Канализация учун резервуар 8,0м ³ хажмдаги	минг сўм	1407,71	1407,71	0
5.	Учатка девори	минг сўм	3564,67	3564,67	0
IV. Турар жой биноси-нинг хўжалик қурилишлари билан бирга қиймати		минг сўм	63500,31	61983,32	1516,99

Демак қуйидаги намунавий лойиҳалар бўйича 2016 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдага уй-жой қурила бошланди:

1. НЛ 184-32С-10 бир қаватли уч хонали турар жой биноси.
2. НЛ 184-33С-10 бир қаватли тўрт хонали турар жой биноси.
3. НЛ 184-33С-10 бир қаватли беш хонали турар жой биноси.

2016 йилда Республика бўйича жами 372 массивда 7400 та якка тартибдаги уй-жойлар қурила бошланди, шундан 3 хонали уйлар 1701 та, 4 хонали уйлар 4808 та, 5 хонали 4808 та. Жиззах вилоятида 19 массивга 42,21 га ер ажратилиб, қурилиш-монтаж ишлари 25 920,0 млн сўмлик 360 та уй-жой қурилиш бошлаб юборилган.

Янги намунавий лойиҳаларнинг самардорлигини аниқлаш учун “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган янги 1 қаватли 3 хонали турар жой биноси (НЛ 184-32С-10) намунавий лойиҳаси ва НЛ 184-05С-09 намунавий лойиҳани таққослаймиз.

Жадвал маълумотларидан куринадики президентимиз таклифлари асосида ишлаб чиқилган янги лойиҳа нафакат, ҳажмий жиҳатдан балки қулайлиги, хавфсизлиги, миллийлиги ва иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, қишлоқ жойларида аҳолининг кўчмас мулк объектлари, муҳандислик коммуникациялари: ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, йўллар ва бошқа ижтимоий соҳа тарикбига кирувчи объектлар билан таъминланганлик кўрсакичлари ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлик даражасини намоён қилади.

Республикаимизнинг қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси билан шаҳар турмуш тарзи ўртасидаги тафовутни камайтириб мамлакатимиз ялпи аҳолиси ҳаёт даражасини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий масалани ечишга ёрдам беради.

Маълумки янги кўчмас мулк массивлари фақатгина уй-жой қурилиши билан бунёд бўлмайди, ҳозирги замонавий массивларни ижтимоий инфратузилма, муҳандислик тармоқлари, коммуникациясиз тассавур қилиб бўлмайди.

Демак, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат экан, энг аввало ижтимоий соҳанинг ривожланишини таъминлаш, унинг муҳим қисми бўлган уй-жой кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш уларда энергиятежамкор ускуналар ва қурилиш материалларини қўллаш орқали амалга оширилади. Шу сабабли қишлоқ жойларида бунёд этилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда энергиятежамкор технологияларни қўллаш асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

3-БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШINI РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Қишлоқ жойларда кўчмас мулк объектлари қурилишни комплекс ривожлантириш йўллари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз кифоасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқлар кифоасини тубдан ўзгартириш ва қишлоқ фуқаролар йиғини худудини бош режа асосида лойиҳалаштириш, уй-жой, ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектлари қурилиши комплекс олиб бориш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий база яратилмоқда. Жумладан, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик”¹⁶.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ жойларда қурилишини янада ривожлантириш ва бунёд этилган уй-жойлар ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, ҳамда қурилиш-

¹⁶ И.А.Каримов. 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузасидан// Халқ сўзи, 2015 йил 16 январь.

монтаж ишлари таннархини пасайтириш учун етарлича имконият ва салоҳият мавжуд.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектларини қурилишини ташкил қилишнинг механизми шакллантирилиши билан биргаликда, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Истиқболдаги вазифалар қурилиш кўламини кенгайтириш борабарида, намунавий лойиҳаларни такомиллаштириш, энергиятежамкор ва ноанъанавий энергия манбааларини жорий этиш, молиялаштиришни самарали ташкил этишга қаратилганлиги сабабли, ушбу тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, айниқса меъёрий баъазасини яратиш долзарб ҳисобланади.

Албатта қишлоқ жойлардаги кўчмас мулк объектлари қурилишини замонавий-энергиятежамкор технолгиялар асосида лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Лойиҳа –қидирув ишларини такомиллаштириш йўналишларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Макро даражадаги (қишлоқ аҳоли пунктлари ва ҳудудлар қурилишини архитектуравий режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш) вазифалар :

- аҳоли таркиби ва ўсиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини лойиҳалаштириш;
- аҳоли пунктларини замонавий талаблар ва миллий анъаналарга мувофиқ шаҳарсозлик меъёрларига амал қилган ҳолда комплекс ривожлантиришни, уларнинг меъморий-бадий қиёфасини ва бой меъморий-

тарихий меросни сақлаб қолишни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича таклифлар киритиш;

- мавжуд қишлоқга ҳудудий боғлаган ҳолда янги уй-жой массивларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;
- аҳолининг демографик кўрсаткичлари таҳлиliga асосланган ҳолда ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришни ташкил этиш;
- ижтимоий инфратузилманинг муҳим объектларидан бири касб ҳунар коллежлари қувватини, ҳамда йўналишини жорий қишлоқ меҳнат бозори ҳолати ва қишлоқ инфратузилмасидан келиб чиқиб лойиҳалаштириш;
- ер массивлари ҳудудий жойлашувга кўра муҳандислик коммуникацияларини оптимал жойлаштириш;
- янги массивлар қурилиши режалаштирилаётган ҳудудларда муҳандислик коммуникациялари қурилишини олдиндан режалаштириш ва уларни мавжуд коммуникацияларга боғлаш орқали ресурс тежамкорлигига эришиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарини ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялашни кўзда тутган ҳолда режалаштириш;

Микро даражадаги (уй-жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари намунавий лойиҳалаштиришни ташкил этиш) вазифалар:

- қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойлар лойиҳасини ҳудудда рационал жойлаштирилиши, ёруғлик, шамол йўналишлари, бошқа табиий ва иқлим омиллари ҳамда маҳаллий шарт-шароитларни назарда тутган ҳолда ташкил этиш;
- биноларнинг деворлари енгил, иссиқ сақлайдиган ёнғинга чидамли деворбоп материалларни қўллаш, ҳамда ёпишда ишлатиладиган темир бетон плиталарнинг ўрнига ёғоч, енгил бетон (пенабетон) қоплама ва бошқа енгил конструктив материаллардан фойдаланиш;

- куёш нуридан электр энергиясидан фойдаланишни, ёмғир ва қор сувларини ички сув таъминоти (санузелларга), исситиш тизимларига йўналтиришни лойиҳалаштириш;

- смета хужжатларини такомиллаштириш, жумладан смета-норматив базасидаги фойданилмайдиган қурилиш машина ва механизмлари, қурилиш материаллари харажатларини камайтириш, қурилиш таннархига таъсир кўрсатувчи устама харажатларни камайтириш.

Қурилиш-пудрат бозорида буртмачи ва пудратчи ташкилот ўртасидаги муносабатларда қурилиш корхонасининг даромади (фойдаси)ни белгилаб берадиган омил – пудратчининг бошқа харажатлари миқдори ҳисобланади. Ҳозирги кунда, давлат томонидан фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой қурувчи қурилиш корхоналарига бир қанча солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилганлиги сабабли, қурилиш-пудрат ташкилотларнинг бошқа харажатлари миқдори 13 фоиз қилиб белгиланган. Бу албатта бошқа қурилиш корхоналариникига нисбатан паст. Бунда корхонанинг ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйишида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориши керак:

- иш бошқаришни тўғри йўлга қўйиш ва маъмурий харажатларни камайтириш;

- раҳбар ва мутахассисларнинг ўз малакасини доимо ошириб боришини йўлга қўйиш;

- корхона томонидан олинган фойдани модий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтириш;

- ёш қурувчи мутахассисларни тайёрлаб бориши;

- қурилишдаги барча қурилиш-монтаж ишларни ўз кучи билан бажариши;

- олинган буюртмани сифатли ва ўз вақтида фойдаланишга топшириш.

Қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жой ва инжтиомий инфратузилма объектлари намунавий лойиҳаларининг муҳим белгиси замонавий қурилиш

материаллари ва технологияларни қўллаш ҳисобланади. Ҳозирги фан техника тараққиёти даврида қурилиш материалларининг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ қурилишида эса ушбу қурилиш материалларининг энг афзалини, яъни экологик тоза, табиий, ресурс тежамкор, арзон ҳамда маҳаллийларини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки қурилиш материаллари ва конструкциялари бинонинг дизайни, ҳамда рангига, табиий иқлим шароити ва конструктив ечимига жавоб бериши билан бирга, қурилиш монтаж ишлари таннархининг ошиб кетишига йўл қўймаслиги керак. Шунингдек, қишлоқ жойларда барпо этиладиган объектларни қуришда йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни қўллаган ҳолда, индустриал ва йиғма технологияларни кенг жорий этиш даркор.

Намунавий лойиҳалар асосида уй-жой бинолари монолит темир-бетон ва пишган ғишт билан буёд қилинмоқда. Демак, қурилиш –монтаж ишларида цемент, норуда қурилиш материаллари (кум, шағал) ва деворбоп материалларга бўлган эҳтиёж ошади.

Жиззах вилоятида цемент асосан Навоий цемент заводидан етказилади. Шунингдек, вилоятнинг географик жойлашуви норуда қурилиш материаллари конларини очиш ва тиклаш имконини беради.

Жиззах вилояти қурилиш материаллари саноатини ташкил қилиш учун етарлича хом ашё баъзасига эга. Ҳозирги кунда 20 та конлар топилган бўлиб, улардан 6 тасидан қазиб олинмоқда. Давлат Геология қўмитаси маълумотларига асосан Жиззах вилоятида қурилиш материаллари саноати учун конларда қуйидаги турдаги хом ашёлар мавжуд:

- цемент хом ашёси - Ғаллаорол, Фориш ва Янгиобод туманларидаги Ғаллаорол, Кўтарма, Дунё-Тева ва Ховос конларидаги (А+В+С₁ категориялари бўйича жами захира 196 млн. тонна);

- қоплама тошлар - Ғаллаорол, Бахмал ва Фориш туманларидаги Молгузар, Октош, Шароқсой ва Қўлсуюқ конларида (А+В+С₁ категориялари бўйича жами захира 7,3 млн. м куб);

- гипс - Фориш ва Зафаробод туманларидаги Тимирязев ва Зафаробод конларида (А+В+С₁ категориялари бўйича захира 2 млн. тоннагача баҳоланмоқда);

- керамзит - Жиззах туманидаги Сайхон конида (А+В+С₁ категориялари бўйича жами захира тахминан 6,7 млн. м кубни ташкил қилади);

- оҳак тош - Жиззах ва Фориш туманларидаги Жиззах ва Кўтарма конларидаги (А+В+С₁ категориялари бўйича жами захира 5,8 млн. тоннадан ортиқни ташкил этади).

- волластонит – Ғаллаорол туманидаги Қўйтош конида (А+В+С₁ категориялари бўйича – 4,1 млн. тонна);

- барит тоғ руда хом ашёси – (кўрғошин-рухли рудани қайта ишлаш билан боғлиқ компонент) Фориш туманидаги Учқулоч конида (11,9 млн. тоннадан ортиқ захира);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги 1134-сонли “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” қарорига асосан 2010-2015 йиллар давомида қуйидаги қурилиш материаллари корхоналари қурилиб фойдаланишга топширилди.

3.1-жавдал.

2010-2015 йилларда Жиззах вилоятида қуриб ишга туширилган қурилиш материаллари саноатининг йирик инвестицион лойиҳалари

№	Лойиҳанинг номи ва мақсади	Лойиҳа/мулк/акция пакети қиймати (минг АҚШ долл.)
1	Зафаробод туманида йилига 3 млн. тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга янги цемент заводи қурилди	390 000
2	“Жиззах мармар” мажмуасида мармар ишлаб чиқариш йўл қўйилди	1 910,1

№	Лойиҳанинг номи ва мақсади	Лойиҳа/мулк/акция пакети қиймати (минг АҚШ долл.)
3	“Зойиржон бобо”ХИЧФ базасида прессланган мармар плитка ишлаб чиқариш ташкил этилди	1 503
4	“Восток-Гематит” корхонаси базасида қуввати йилига 30 минг тонна кимёвий тиндирилган мел ва 80 минг тонна оҳак гидрати ишлаб чиқариш ташкил қилинда	5 000
5	“Иморат АДА” ИИЧХТФ базасида мавжуд гипс ва алебастр ишлаб чиқариш модернизацияланда	100


Жаҳон иқтисодиёти тармоқларида энергия ресурсларига бўлган эҳтиёж тобора ошмоқда. Шу боис инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни таъминлаш ва барқарор ривожланишга эришишда табиий ресурсларни тежаш, қайта тикланувчи, экологик соф энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Истеъмолчиларнинг энергияга нисбатан ошиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш, бу жараёнда атроф-муҳитга етказилаётган салбий таъсирларни камайтириш вазифаси энергетика соҳасидаги ишларни янада такомиллаштиришни, қайта тикланувчан, ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни тақозо этаётир. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш органик ёқилғини тежаш, ҳудудлардаги экологик вазиятни яхшилаш, тоғолди ва бориш қийин қишлоқ жойларда энергия таъминоти, табиий захираларни тежаш, чиқиндиларни камайтириш масаласини ижобий ҳал этиш имконини беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жихатдан бизнинг

мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир”¹⁷

Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимиз иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноанъанавий энергиялардан фойдаланиш борасида улкан имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз ҳудудларида йилнинг қарийб 350 кун қуёшли бўлади, доимий шамол эсиб турадиган очик майдонлар кўп. Бундай табиий салоҳият бугунги кунда жаҳон миқёсида тобора оммалашиб бораётган юқори самарали қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш учун қўл келади.



3.1-расм. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма қурилишида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш схемаси

Юртимизда ушбу йўналишда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Илмий-тадқиқот муассасаларида маҳаллий хомашёдан олинган, иқлим шароитимизга мослаштирилган қуёш батареялари ва коллекторларини яратиш, уни амалга татбиқ этиш, жаҳон илм-фани ва амалиётдаги илғор тажрибаларни ўзлаштириш бўйича кенг қўламли изланишлар олиб

¹⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

борилмоқда. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурида фаолият юритаётган “Эко-энергия” маркази бу соҳадаги янгиликларни ҳаётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда муқобил ёқилғи манбалари ва чиқиндисиз технологиялар асосида ишлайдиган корхоналар уюшмаси ташкил этилди. Бундай тадбирлар натижасида экологик соф технологиялар асосида фаолият юритишга ва бу борадаги ютуқларни тарғиб этишга қизиқувчи корхоналар сони кўпаймоқда.

3.2. Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кучмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш йўллари

Фан ва технологиялар тез ривожланиб бораётган ҳозирги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида замонавий ва энергиятежамкор технологиялардан фойдаланиш орқали катта ҳажмда ресурслар тежамкорлигига эришилмоқда. Шу жумладан, қурилиш комплексида ҳам йилдан-йилга янги қурилиш материаллари, ускуналар ва технологиялар кириб келмоқдаки, уларни амалиётга жорий этиш орқали юъори самарали натижаларга эришилмоқда. Масалан, янги қурилиш материаллари қулайлиги, узок муддат хизмат қилиши, зарур ҳолларда уларни аммаштиришнинг осонлиги каби устувор кўрсаткичларга эга бўлса, янги технологиялар қурилиш жараёнида ватқни тежаши, айрим ҳолларда бир неча ресурслардан ташкил топувчи материаллар ўрнини босиши каби қулайликларга эга бўлади.

Диссертация ишининг иккинчи бобида ўрганилган намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари таҳлилига эътибор қаратилганда бўлса уларда асосий критерия қилиб объектлар таннархини арзонлаштириш масаласи қўйилганлигини кўриш мумкин.

Албатта уй-жой қийматини арзонлаштириш уларни узок муддатли кредит харид қилаётган қишлоқ аҳолиси учун ҳар томонлама қулай ҳисобланади. Аммо нисбатан арзон таннарх ҳосил қилиш учун одатдаги

энергия тежамкорлик кўрсаткичларига эга бўлмаган қурилиш материалари ва ускуналардан фойдаланилган уй-жойлардан фойдаланишни ташкил этиш харажатлари уларга янги технологияларни қўллаш ҳисобига таннарихнинг қимматлашуvidан бир неча бор қимматга тушмасмикан деган савол пайдо бўлади. Бунга жавоб топиш мақсадида ўрганилаётган, намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларда қўлланилган бир неча турдаги қурилиш материалларини уларнинг замонавий, энергиятежамкор аналолари билан таққослаб кўрамиз:

1. Намунавий уй-жойлар қурилиши смета ҳужжатларида 3 хонали уйларда 17 тана, 4 хонали уйларда 19 та ва 5 хонали уйларда 22 дона чўғланувчи электр лампочкалар берилган.

Ўрта ҳисобда мисол сифатида 4 хонали уйда қўлланилган 19 дона (шундан: 4 та 75 ват, 11 та 100ват, 3 та 150ват, 1 та 200ват) электр лампочкалари бир соатда 2,050 кл.вольт энергия истеъмол қилади. Уларнинг ресурс сметасида келтирилган қиймати жамланганда умумий қиймати 44,6 минг сўмни ташкил этади.

Намунавий уй-жойлар сметасида келтирилган лампочкаларни уларнинг қувватга эга бўлган аналоглари, энергиятежамкор лампочкаларга аммаштирганимизда сметада уларнинг умумий қиймати 304 минг сўмни ташкил этади ва тураржой биноси сметаси қийматига қўшимча 259, 4 минг сўмга кўпаяди. Бўнда уй-жойни харид қилувчи фуқаро уй учун сўм ортиқча тўлашига тўғри келади. Аммо чўғланувчи лампочкалар энергиятежамкор лампочкалардан ўртача 3,2 марта кўп энергия истеъмол қилишини инобатга оладиган бўлсак камида 3.2 марта кам ҳақ тўланади. Агар 4 хонали уй жой учун одатдаги ҳолатда ҳар ойига электроэнергия сарфига 85 минг сўм тўланаётган бўлса, энергиятежамкор лампалар қўлланилганда бу сумма 26.5 минг сўмни ташкил этади. Ёки улар ўртасидаги тафовуд 58,5 минг сўмни ташкил этиб, бир йилда 702 минг сўм маблағ иқтисод қилинади. Демак, қурилиш лойиҳасида чўғланувчи лампалар ўрнига энергиятежамкор лампочкани қўлланилса 4 хонали уй-жой смета қиймати 259, 4 минг сўмга

(304 минг сўм - 44,6 минг сўм) қимматлашади. Агар уй-жой харидорига уйнинг нархи энергиятежамкор лампочкаларни қўллаш ҳисобига 260 минг сўмга қимматлашиши ва ундан фойдаланиш давомида электроэнергия қиймати 3,2 мартага камайишини ёки ҳар ой 58,5 минг сўм кам электр энергияси учун пул тўлаши тушунтирилса албатта у энергиятежамкор лампочкалар қўлланишини талаб қилган бўларди.

Шунингдек, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларнинг сметасида иситиш тизимида Фарғона шаҳрида ишлаб чиқарилган 160 литр ҳажмдаги иситиш қозинлари ўрнатилиши кўзда тутилган. Мазкур қозонлар 480 м^3 ҳажмдаги бинони иситиш қувватига эга бўлиб, бунинг учун бир суткада 32 м^3 газ сарфлайди. Мазкур иситиш қозони уй-жой сметаси таркибида 596 минг сўм миқдорда келтирилган.

Айнан шундай (500 м^3 ни иситиш қувватига эга бўлган) Туркияда ишлаб чиқарилган АГ-500 иситиш қозини бир суткада $7\text{-}12 \text{ м}^3$ газ сарфлайди ва унга қўшимча 12 вольтли электр энергияси (батарея шаклида) талаб этилади. Бундай иситиш қозони қиймати (2,5 ш.б) 1 860 минг сўмни ташкил этади.

Келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, бинонинг смета қийматини 1264 ($1\,860 - 596$) минг сўмга қимматлаштириш ҳисобига йиллик бинони иситиш тизими учун йиллик газ сарфини ўртача уч мартага камайтиришимиз мумкин бўлади. Ўрта ҳисобда йилнинг 5 ойи давомида иситиш мавсуми давом этган тақдирда энергиятежамкор иситиш қозонидан фойдаланилганда ҳар кунлик иқтисод қилинган газ ўртача 20 м^3 ни ташкил этса 5 ойда $[20 \times (30 \times 5)] 3000 \text{ м}^3$ газ иқтисод қилинади ва у тариф бўйича ($3000 \times 226 \text{ сум}$) 678 минг сўмни ташкил этади.

Юқорида келтирилганларга асосланиб айтиш мумкинки намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилма объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилма объектлари лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ экспертизадан ўтказиб замонавий энергиятежамкор технологияларни қўллаш;
- қурилиш тугалланган кўчмас мулк объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларда энергиятежамкор муҳандислик ускуналари ва технологиялари жорий этилганлигини кўриқдан ўтказиш;
- тураржой бинолари ва инфратузилма объектларини ишга туширилишининг биринчи кундан бошлаб марказлашган тартибда фойдаланишни ташкил этиш механизмининг ишга тушириш орқали энергиятежамкорликка эришиш ва кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш мумкин бўлади.

Диссертация ишида намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўчмас мулк объектларнинг смета қийматини оптимал шакллантириш, унда энергиятежамкор замонавий қурилиш материаллари ва ресурсларни қўллаш орқали кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича амалий илмий ҳажмдор тавсиялар ишлаб чиқилади. Илмий –амалий тавсиялар келажакда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган қурилиш объектлари смета қийматини ҳисоблаш жараёни амалиётга қўллаш учун тақдим этилди ва “Илмий янгиликларни амалиётга қўллаш тўғрисида қарорнома” расмийлаштирилди.

Илмий ишда олинган натижалардан намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган кўчмас мулк объектларини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида ҳам фойдаланилади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамиз қишлоқ жойларда қурилишни ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳозирги глобаллашув ва фан-техника тараққиёти асрида қишлоқ жойлари тушунчаси ҳудуднинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланганлиги ҳамда аҳолининг турмуш даражасига қараб аниқланади.

2. Қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари аҳамияти катта. Айниқса, қишлоқ тараққиёти ва аҳоли фаровонлиги таъминлашда ичимлик суви, электр қуввати, газ билан, замонавий йўллар ҳамда бошқа коммуникация тармоқлари қурилиши ўта муҳим аҳамият касб этади.

3. Ижтимоий инфратузилма – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуидан ташкил топади. Қишлоқ жойларида аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, маънавий-маърифий ва илмий салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган барча хизматлар ижтимоий инфратузилмани ташкил этади.

4. Таҳлил натижаларига кўра республикада қишлоқ уй-жой фондининг ободонлашганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичларига эга:

- водопровод (ичимлик суви билан таъминланганлик) -74,3 фоиз;
- канализация (оқова қувурлари) мавжудлиги -10,0 фоиз;
- табиий газ таъминоти -77,9 фоиз;
- марказий иситиш тизими - 19,0 фоиз;
- иссиқ сув таъминоти -3,0 фоиз;
- ванна (ҳаммом) хоналари- 3,8 фоиз.

5. Таҳлил натижаларига кўра Жиззах вилоятининг аҳолиси 2000 йил 974 400 кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг 1 январига келиб 1

миллион 450 минг юз кишидан ошди. Ҳозирги кунда вилоятда, айниқса қишлоқда аҳоли тез ўсмоқда. Бу ҳол асосан, қишлоқда туғилишнинг юқорилиги билан ифодаланиб, республикамиз учун хос бўлган хусусият саналади., бундай демографик ҳолат мамлакатимиз иқтисодиёти олдида, айниқса қурилиш тармоғи олдида катта масъулият турганини кўрсатади. Ўсиб келаётган ёш валодни янги ишчи ўринлари билан таъминлаш ва уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш айнан янги-янги ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари ва уй-жой биноларини барпо этиш орқали таъминланади.

Вилоятда уй-жой қурилишини ташкил этишда замонавий энергиятежамкор қурилиш материаллари саноати ҳам боғлиқ равишда ривожлантириш лозимлигини кўрсатади. Бунинг учун:

- вилоятда табиатга зарар етказмаган ҳолда норуда қурилиш материалларини қазиб олишни кўпайтириш;
- пишган ғишт ишлаб чиқаришни имтиёзли равишда вилоятнинг тоғли ҳудудларида ривожлантириш;
- қурилиш материаллари вилоятнинг иқлим хусусиятларни инобатга олган ҳолда танлаш.

Диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қишлоқ жойларда қурилишни ривожлантириш бўйича қуйидаги тавсиялар таклиф этилади:

Юқорида келтирилганларга асосланиб намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган **кучмас мулк объектларидан фойдаланиш самарали ташкил этиш мақсадида** қуйидагиларни амалга ошириш тавсия этилади:

- намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилма объектлари лойиҳа ҳужжатларини тўлиқ экспертизадан ўтказиб замонавий энергиятежамкор технологияларни қўллаш;
- қурилиши тугалланган кўчмас мулк объектларини фойдаланишга қабул қилиш жараёнида уларда энергиятежамкор муҳандислик

ускуналари ва технологиялари жорий этилганлигини кўриқдан ўтказиш;

- тураржой бинолари ва инфратузилма объектларини ишга туширилишининг биринчи кундан бошлаб марказлашган тартибда фойдаланишни ташкил этиш механизмини ишга тушириш орқали энергиятежамкорликка эришиш ва кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этишга эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНЪБАЛАР

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Тошкент. Ўзбекистон 2008.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелдаги 353-II-сон Қонуни билан тасдиқланган. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2002 йил, 9-сон.
- 1.3. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига Илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 5-сон, 33-модда.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” Қарори. 2014 й 19 июнь. N ПҚ-1134 сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва маърузалари

- 2.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон. 2000. б. 352.
- 2.2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/ И.А.Каримов.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
- 2.3. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва

тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли маърузаси. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

III. Дарслик, ўқув қўлланма ва илмий адабиётлар

3.1. М. Мирахмедов, В.У. Ёдгоров, Г.А. Нигманова, Д.Ш. Мирджалилова. Қўчмас мулк иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ТАҚИ, 2015 й.

3.2. В.У. Ёдгоров, Д.Ш. Мирджалилова. Қўчмас мулкдан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқариш. Дарслик. Т.: Чўлпон, 2014 й.

3.3. Экономика недвижимости: [учебник] /А.Н. Асаул [и др.]; под общ.ред. М.А.Икрамова; МВ и ССО РУз.- Т.: Изд.-во Национальной библиотеки Узбекистана им.А.Навои, 2010.-380 с.

3.4. Асаул А.Н. Экономика недвижимости: учебник для вузов, 2-ое изд. / - СПб.: Питер, 2008.- 621 с.

3.5. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви. Дарслик. Т.: ТАҚИ, 2011й.

3.6. Ёдгоров В.У., Коммунал хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.1-қисм. Т.: ТАҚИ, 2007й.

3.7. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Коммунал хўжалиги иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.2-қисм. Т.: ТАҚИ, 2008й.

3.8. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.

3.9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

3.10. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.

3.11. Семенов С. М., Березин В. П. “Совершенствование методологических основ управления деятельностью строительного комплекса” Ж. “Экономика строительства ” , №2. М. Стройинформация, 2011.

3.12. Махмудов Э.Х. Капитал қурилиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2009.

VI. Меъёрий ҳужжатлар

6.1. ШНК 2.08.01-05. Турар – жой бинолари. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2005, 61.

6.2. ШНК 2.07.04-06 «Қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш» ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси - Тошкент, 2006 й.

VII. Илмий ишлар тўпламларига ҳаволалар

7.1. Зияев М.Қ., Ёдгоров В.У. Бунёдкорлик-юксак марраларга эришишнинг кафолати. “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муаммолари ва ечимлари”. Республика илмий-амалий анжумани натижалари бўйича илмий тўплам. Т.: 2008й. 12-бет.

7.2. Ёдгоров В.Шобўтаев Б. Бутунов Д.Я. Современные проблемы городского хозяйства. Экономическая теория, прикладная экономика и хозяйственная практика: проблемы эффективного взаимодействия. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Ярославль, 2006 г.35-37 стр.

VIII. Статистик маълумотлар, тўпламлар ва ҳисоботлар

8.1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг “1991-2015 йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” статистик тўпламлари.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009-2015 йиллардаги маълумотлари.

8.3. Жиззах вилояти Давлат Статистика бошқармаси 2005-2015 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлаир тўғрисидаги маълумотлари.

8.4. Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2009-2015 йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлари.

IX. Хорижий адабиётлар

9.1. Harmon, H., Howley, C., Smith, C., & Dickens, B. (1998). Planning schools for rural communities [online]. Charleston, WV: AEL, Inc., Rural Center. Retrieved December 20, 2001;

9.2. Mobilizing domestic capital for infrastructure financing. World Bank. Washington DC, USA. 1997. pp. 7 – 11.

9.3. Доклад о мировом развитии 2008 сельское хозяйство на службе развития./ Всемирный банк; с англ.-М.: издательство «Весь мир», 2008. -424 с.

X. Интернет манбалари

10.1. www.gov.uz. (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

10.2. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

10.3. www.gkas.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш Қўмитаси сайти)

10.4. www.uzkommunhizmat.uz (Ўзбекистон “Ўзкоммунхизмат” Агентлиги сайти)

10.5. www.jizzax.uz. (Жиззах вилояти ҳокимлиги сайти)

10.6. www.ser.uz (Экономическое обозрение журналы сайти)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“DOMENIC PROJECT” МЧЖ
Бош муҳандиси Усмонходжаев Х.Р.
«24» март 2016 й.

Илмий тадқиқот натижаларини
амалиётга жорий этишга қабул
қилиш тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

Далолатнома “DOMENIC PROJECT” МЧЖ ишчи комиссияси ҳамда Тошкент Архитектура Қурилиш институти тадқиқотчиси Б.Ш. Абдурахмонов билан унинг “**Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш**” мавзусидаги диссертациясида шакллантирилган илмий натижаларни амалиётга жорий этиш тўғрисида тузилди.

Тадқиқотчининг жорий этишга тақдим қилган илмий ишланмалари:

-Қишлоқ жойлари ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ва уни ўрганиш йўллари тадқиқ этилган;

-Намунавий лойиҳалар асосида кўчмас мулк объектлари қурилишининг иқтисодий самарадорлигини ўрганишнинг методологик асослари билан танишиб чиқилган;

-Республикаимиз қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган кўчмас мулк объектларини таҳлил қилинган;

-Республикаси қишлоқ жойларида аҳолининг уй-жой билан таъминланганлиги ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси ҳолатини таҳлил қилинган;

-намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган объектлар лойиҳа – сметасида ресурслар сарфини таҳлил қилинган;


-намунавий лойиҳалар асосида курилатган кўчмас мулк объектларидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган;

-кишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида курилатган кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Намунавий лойиҳалар асосида курилатган турар жой ва нотурар жой биноларидан фойдаланиш ва уни оптималлаштириш чора тadbирларини ўрганиб чиқиб, таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек диссертация натижаларидан “Курилиш иқтисодиёти” ва “Курилишда смета иши” бўйича иқтисодий фанлар ва ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Далолатномани имзолаганлар:

Тадқиқотчи:

/  / **Абдурахмонов Б.Ш.**

Корхона ишчи комиссияси:

/  / **Усмонходжаев Х.Р.**

Илмий раҳбар:

/  / **Турдиев А.С.**